



Ўзбекистон Республикаси Олий судининг  
**АХБОРОТНОМАСИ**

№2/2023(167) 1995 йилдан чиқа бошлаган

**БЮЛЛЕТЕНЬ**

Верховного суда Республики Узбекистан

**БОШ МУҲАРРИР:**

Шодикул ҲАМРОЕВ

**ТАХРИР ҲАЙЪАТИ:**

Бахтиёр ИСЛАМОВ

Робахон МАХМУДОВА

Халилилло ТУРАХУЖАЕВ

Икрам МУСЛИМОВ

Шухрат ПОЛВАНОВ

Холмўмин ЁДГОРОВ

Зарифжон МИРЗАҚУЛОВ

Замира ЭСОНОВА

Азиз АБИДОВ

Бобомурод РАЙИМОВ

Журнал 2007 йил  
19 апрелда Ўзбекистон  
Матбуот ва ахборот  
агентлигида 0249-рақам  
билан рўйхатдан ўтган.

Республика Олий аттестация  
комиссияси Раёсатининг  
2004 йил 17 декабрдаги  
110/4-сонли қарорига асосан  
хуқуқий, илмий-амалий  
журнал ваколати берилган.

Босишга 11.03.2023 йилда  
топширилди. Бичими: А4.

«Muharrir nashriyot» МЧЖ  
босмахонасида чоп этилди.  
Тошкент шаҳри,  
Сўгалли ота кўчаси, 5-уй.  
Адади: 6390 нусха.  
Буюртма № 135.

**МУНДАРИЖА/СОДЕРЖАНИЕ**

**2. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг қарори**

*Божхона тўғрисидаги қонунчиликни бузиши ва контрабандага оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида*

**7. О судебной практике по делам о нарушении таможенного законодательства и контрабанде**

**12. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг қарори**

*Судлар томонидан эр ва хотиннинг умумий мол-мулкани бўлиши ҳақидаги ишларни кўришида қонунчиликни қўллаш амалиёти тўғрисида*

**16. О практике применения судами законодательства при рассмотрении дел о разделе общего имущества супругов**

**20. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг қарори**

*Судлар томонидан солиқ қонунчилигини қўллашнинг айрим масалалари ҳақида*

**26. О некоторых вопросах применения судами налогового законодательства**

**32. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг қарори**

*Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг фуқаролик ишлари бўйича айрим қарорларига ўзгартиши ва қўшимчалар киритиши тўғрисида*

**38. О внесении изменений и дополнений в некоторые постановления Пленума Верховного суда Республики Узбекистан по гражданским делам**

**44. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг қарори**

*Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми ва Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Пленумининг айрим қарорларига ўзгартиши ва қўшимчалар киритиши ҳамда баъзи қарорларини ўз кучини йўқотган деб топиши ҳақида*

**51. О внесении изменений и дополнений, а также признании утратившими силу некоторых постановлений Пленума Верховного суда Республики Узбекистан и Пленума Высшего хозяйственного суда Республики Узбекистан**



## O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI OLIY SUDI PLENUMINING QARORI

2023 йил 20 февраль

№ 2

Тошкент шаҳри

### Божхона тўғрисидаги қонунчиликни бузиш ва контрабандага оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида

*Суд амалиётини ўрганиш натижалари судлар томонидан божхона тўғрисидаги қонунчилик асосан тўғри қўлланилаётганини кўрсатди.*

*Шу билан бирга, божхона тўғрисидаги қонунчиликни бузиш ва контрабанда учун жавобгарликка оид жинойят ишларини кўришда қонун нормаларини турлича талқин қилиш ва қилмишларга нотўғри ҳуқуқий баҳо бериш каби хатоликларга йўл қўйилмоқда. Қонунчиликка киритилган ўзгартиш ва қўшимчаларни эътиборга олган ҳолда, амалиётда учраётган хато ва камчиликларни бартараф этиш мақсадида “Судлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 22-моддасига мувофиқ, Олий суд Пленуми*

#### Қ А Р О Р Қ И Л А Д И:

1. Судларга тушунтирилсинки, Ўзбекистон Республикаси Божхона кодексининг 5-моддаси ва “Ўзбекистон Республикасининг Давлат чегараси тўғрисида”ги Қонунининг 3-моддаси мазмунига кўра, Ўзбекистон Республикасининг божхона чегараси (бундан буён матнда божхона чегараси деб юритилади) Ўзбекистон Республикасининг Давлат чегараси билан устма-уст тушади. Ўзбекистон Республикасининг қуруқликдаги ҳудуди, ҳудудий ва ички сувлари ҳамда улар устидаги ҳаво ҳудуди Ўзбекистон Республикасининг божхона ҳудудини ташкил этади.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида эркин божхона зоналари ва эркин омборлар бўлиши мумкин, уларнинг ҳудудлари, агар қонунчиликда бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, божхона ҳудудидан ташқарида жойлашган деб қаралади.

2. Товарлар ва транспорт воситаларини божхона чегарасидан ўтказиш тартиби Ўзбекистон Республикасининг Божхона кодекси (бундан буён матнда БК деб юритилади) ва бошқа қонунчилик, шунингдек халқаро шартномалар билан қатъий белгиланган.

Товарлар ва транспорт воситаларини белгиланган тартибни бузган ҳолда божхона чегарасидан ҳар қандай тарзда ўтказиш қонунга хилоф ҳисобланади ва маъмурий ёки жиноий жавобгарликни келтириб чиқаради.

Жисмоний шахснинг “яшил” йўлак орқали ўтиши ёзма равишда декларацияланиши лозим бўлган товарлар йўқлигини божхона органига маълум қилиш деб қаралади ва божхона тўғри-

сидаги қонунчилик талабларига риоя этиш мажбуриятдан озод этмайди.

3. Божхона тўғрисидаги қонунчиликни бузган деб топиш учун жавобгарлик тури божхона чегарасидан қонунга хилоф равишда ўтказилаётган товар ёки бошқа қимматликларнинг миқдори билан боғлиқ бўлиб, бу миқдор уларнинг ҳуқуқбузарлик содир этилган кундаги қийматидан келиб чиққан ҳолда аниқланади.

Судларга тушунтирилсинки, “божхона тўғрисидаги қонунчиликни бузиш” жинойятининг бевосита объекти товар ёки бошқа қимматликларни Ўзбекистон Республикасининг божхона чегараси орқали ўтказишнинг белгилаб қўйилган тартиби ҳисобланиб, бунда товар ёки бошқа қимматликларга нисбатан божхона тўловлари мавжуд ёки мавжуд эмаслиги аҳамият касб этмайди.

Товар ёки бошқа қимматликларни қонунга хилоф равишда божхона чегарасидан кўп миқдорга ўтказганлик учун ҳар доим, шахс айнан шундай ҳуқуқбузарлик учун бир йил давомида бир неча марта маъмурий жавобгарликка тортилганлигидан қатъи назар, маъмурий жавобгарликни келтириб чиқаради.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси (бундан буён матнда ЖК деб юритилади) 182-моддасининг биринчи қисми бўйича жиноий жавобгарлик товар ва транспорт воситаларини кўп миқдорда қонунга хилоф равишда божхона чегарасидан ўтказганлик учун маъмурий жавобгарликка тортилган (Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 227<sup>19</sup>, 227<sup>20</sup>, 227<sup>21</sup>-моддалари ва 227<sup>22</sup>-моддаси-

нинг биринчи қисми) шахс маъмурий жазо қўлланилганидан сўнг бир йил давомида яна шундай ҳуқуқбузарликлардан бирини кўп миқдорда содир этган ҳолдагина келиб чиқади.

Товар ёки бошқа қимматликларни божхона чегарасидан ўтказишда, белгиланган меъёр доирасида бошқа шахслардан фойдаланган ҳолда олиб кирилган ёки олиб чиқилганида товар ёки бошқа қимматликларнинг жами миқдоридан келиб чиққан ҳолда квалификация қилиниши лозим.

ЖК 182-моддаси иккинчи қисмининг “б”, “в” ва “г” бандларида назарда тутилган квалификация белгилари мавжуд бўлганда, жиноий жавобгарлик шахснинг илгари ушбу ҳаракатлари учун маъмурий жавобгарликка тортилган-тортилмаганлигидан қатъи назар, божхона тўғрисидаги қонунчиликнинг бузилиши фақат кўп миқдорда бўлган ҳолдагина келиб чиқади.

4. Қуйидагилар, жумладан, ЖК 182-моддасида назарда тутилган жиноят предмети ҳисобланади:

БК 13-моддасида назарда тутилган товарлар ва транспорт воситалари;

“Маданий бойликларнинг олиб чиқилиши ва олиб кирилиши тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни 3-моддасининг иккинчи хатбошида назарда тутилган кўчар ашёлар;

ўсимлик ва ҳайвонот дунёси объектлари.

5. ЖК 182-моддаси мазмунига кўра, товарлар ёки бошқа қимматликларни (бундан буён матнда товарлар деб юритилади) қонунга хилоф равишда божхона чегарасидан ўтказиш, товарларни Ўзбекистон Республикасининг божхона ҳудудига олиб кириш ёки мазкур ҳудуддан олиб чиқиш тарзидаги ҳаракатларни қуйидаги усуллардан бири орқали содир этишда ифодаланади:

божхона назоратини четлаб ўтказиш;

божхона назоратидан яшириш;

божхона ҳужжатлари ёки божхона идентификациялаш воситаларига ўхшатиб ясалган ҳужжатлардан алдаш йўли билан фойдаланиш;

декларация қилмасдан ёки бошқа номга ёзилган декларациядан фойдаланиш;

чегарани бузиб ўтиш.

6. Товарларни божхона назоратини четлаб ўтказиш уларни Ўзбекистон Республикасининг божхона ҳудудига Ўзбекистон Республикасининг божхона чегараси орқали ўтказиш пунктларидан ташқари ёки божхона назорати ўтказиш вақтидан ташқари олиб кириш ёки мазкур ҳудуддан олиб чиқишдан иборат ҳар қандай қасддан содир этилган ҳаракатда ифодаланади.

7. Товарларни божхона назоратидан яшириш деганда, уларни топишни қийинлаштириш ёхуд уларнинг асл хусусияти ёки миқдорини яшириш (масалан, айрим товарларга бошқача кўриниш бериш, уларни алмаштириб қўйиш, божхона идентификациялаш воситаларини бузмаган ҳолда транспорт воситаларининг юк бўлимли-

ридаги товарларни олиб қолиш, ўрнига бошқа турдаги товарларни юклаш, товарларни қонунга хилоф равишда божхона чегарасидан ўтказиш учун махсус тайёрланган ёки мослаштирилган хуфя жойлардан (чемоданлар, сумкалар, транспорт воситалари, контейнерлар ва бошқа ташиш воситаларининг конструкциявий (тузилиш) хусусиятига кўра, ашёларини сақлаш ёки ташишга мўлжалланмаган бўшлиқлари, деворлари (рамалари) ораларидан) фойдаланиш, жиноят предметларини одам, ҳайвон танасида ва ҳоказо)га қаратилган ҳар қандай ҳаракатлар тушунилади.

8. Божхона ҳужжатлари ёки божхона идентификациялаш воситаларига ўхшатиб ясалган ҳужжатлардан алдаш йўли билан фойдаланиш деб:

била туриб қалбаки ҳужжатлар;

била туриб ёлғон маълумотлар киритилган ҳужжатлар;

қонунга хилоф равишда олинган ёки бошқа товарларга тегишли ҳужжатлар;

ҳақиқий бўлмаган ҳужжатларни божхона органларига тақдим этиш, шунингдек қалбакилаштирилган божхона идентификациялаш воситаларидан (пломбалар, муҳрлар, тамғалар босиш, идентификациялаш белгилари, штамплар ва БК 197-моддасида назарда тутилган бошқа идентификациялаш воситалари) ёки бошқа товарларга тегишли ҳақиқий идентификациялаш воситаларидан фойдаланиш тушунилиши лозим.

Судларнинг эътибори шунга қаратилсинки, товарларни божхона чегарасидан ўтказишнинг ҳар бир тартиби учун қонунчиликда божхона органларига тақдим этилиши лозим бўлган ҳужжатлар ва маълумотларнинг алоҳида рўйхати назарда тутилган (БК 9, 18-19, 267-моддалари) бўлиб, унда назарда тутилмаган ҳужжатлар ва маълумотларни тақдим этмаган шахснинг ҳаракатлари қонунга хилоф деб қаралиши мумкин эмас.

9. Товарларни декларация қилмасдан божхона чегарасидан ўтказиш товарларни олиб кириш ёки олиб чиқиш (чиқариш), уларни танланган божхона режими остига жойлаштириш, божхона тўловларини ҳисоблаш ва ундириш тўғрисида қарор қабул қилиш учун зарур бўлган товарлар ҳақидаги маълумотларни божхона декларациясида баён қилмасликни ёхуд декларацияланиши шарт бўлган товарларни “яшил” йўлак орқали олиб ўтишни назарда тутати.

Бошқа номга ёзилган декларациядан фойдаланиб товарларни божхона чегарасидан ўтказиш деганда, божхона декларациясида ёки декларациялашнинг бошқа белгиланган шаклида товарлар (номланиши, сифати ва хусусиятларини ўзида акс эттирувчи маълумотлар) тўғрисида ёлғон маълумотларни акс эттириш тушунилади.

Тушунтирилсинки, божхона органи томонидан божхона декларациясини текшириш, товарларни

кўздан кечириш ва божхона декларациясида кўрсатилган маълумотлар нотўғрилиги аниқлангунга қадар божхона декларациясида йўл қўйилган хатоларнинг декларант томонидан мустақил тузатилиши маъмурий ёки жиноий жавобгарликни истисно этади.

Божхона декларацияси ва божхона мақсадлари учун зарур бошқа ҳужжатлар берилгунга қадар товарларни божхона назорати остида кўздан кечириш ҳамда ўлчаш, уларнинг намуналари ва нусхаларини олиш ҳуқуқи (БК 275-моддаси)дан декларантнинг фойдаланмаганлиги унинг жавобгарлигини истисно этмайди.

10. Судлар шуни назарда тутишлари лозимки, ЖК 182-моддасида назарда тутилган жиноятнинг тугалланиш пайти ҳар бир муайян иш бўйича товарларни қонунга хилоф равишда божхона чегарасидан ўтказиш усулидан (божхона назоратини четлаб ёки божхона назоратидан яшириб ёхуд божхона ҳужжатлари ёки воситаларига ўхшатиб ясалган ҳужжатлардан алдаш йўли билан фойдаланган ҳолда ёки декларациясиз ёхуд бошқа номга ёзилган декларациядан фойдаланиб) келиб чиққан ҳолда аниқланиши керак.

Божхона назоратини четлаб ёки божхона назоратидан яширган ҳолда товарларни божхона чегарасидан ўтказиш жинояти товарлар билан божхона чегарасини амалда кесиб ўтган пайтдан бошлаб тугалланган ҳисобланади.

Божхона ҳужжатлари ёки воситаларига ўхшатиб ясалган ҳужжатлардан алдаш йўли билан ёки декларациясиз ёхуд бошқа номга ёзилган декларациядан фойдаланган ҳолда товарларни божхона чегарасидан ўтказиш жинояти божхона декларацияси қабул қилинганлиги расмийлаштирилган пайтдан бошлаб тугалланган ҳисобланади (БК 264-моддаси).

11. Божхона чегарасидан қонунга хилоф равишда ўтказилаётган товарлар миқдорини аниқлашда ушбу товарларнинг жиноят содир этилган вақтдаги бозор қийматидан келиб чиқиши лозим.

Қонунга хилоф равишда божхона чегарасидан ўтказилган ва божхона расмийлаштирувидан ўтган товарлар амалда мавжуд бўлмаган (эркин муомалага чиқарилган, сотиб юборилган ва ҳ.к.) ҳолларда уларнинг қиймати сифатида божхона расмийлаштируви пайтида БК 44-бобига мувофиқ аниқланган божхона қиймати тан олинади.

Товарлар қийматини аниқлашнинг имконияти бўлмаган ҳолларда (масалан, қалбакилаштирилган спиртли ичимликлар, контрафакт товарлар) уларнинг қиймати баҳолаш фаолияти тўғрисидаги қонунчиликка мувофиқ аниқланади.

Божхона чегарасидан қонунга хилоф равишда ўтказилаётган товарлар миқдорини аниқлашда фақат божхона назоратини четлаб ёки божхона назоратидан яшириб ёхуд божхона ҳужжатлари

ёки идентификациялаш воситаларидан алдаш йўли билан фойдаланган ҳолда ёки декларациясиз ёхуд бошқа номга ёзилган декларациядан фойдаланиб ўтказилган товарлар қисмининг қиймати инобатга олинishi керак.

12. Агар шахс божхона тўғрисидаги қонунчиликни бузиш билан бир қаторда қонунга хилоф равишда чет элга чиқиш ёки Ўзбекистон Республикасига кириш жиноятини содир этса, унинг ҳаракатлари ЖК 182 ва 223-моддаларида назарда тутилган жиноятлар мажмуи билан квалификация қилиниши лозим.

Ҳужжатнинг қалбаки эканлигини била туриб, уни божхона органларига ҳақиқий ҳужжат сифатида тақдим этган шахснинг ҳаракати ЖК 182-моддаси билан квалификация қилинади ва қўшимча равишда ЖК 228-моддаси билан квалификация қилиш талаб қилинмайди.

13. Судларга тушунтирилсинки, агар жиноят божхона чегарасини бузиб ўтиш йўли билан содир этилган бўлса, шахснинг ҳаракатлари ЖК 182-моддаси иккинчи қисмининг “б” банди бўйича квалификация қилиниши лозим.

Бунда бузиб ўтиш деганда, божхона постига ҳужум қилиш, божхона чегарасини ҳар қандай техникавий воситалар ёки бошқа хил усуллар билан божхона режими талабларига очикдан-очик бўйсунмаслик ёки бошқа ҳар қандай йўл билан божхона чегарасини кесиб ўтишда ифодаланган ҳаракатлар тушунилиши лозим.

Агар божхона чегарасини бузиб ўтиш пайтида айбдор томонидан бирор-бир шахснинг баданига қасддан оғир, ўртача оғир шикаст етказилган ёки у қасддан ўлдирилган ёки бирор-бир тарзда мулкӣ зиён етказилган бўлса, қилмиш ЖК 182-моддаси иккинчи қисмининг “б” банди ва тегишлича ЖК 97, 104, 105, 173-моддаларида назарда тутилган жиноятлар мажмуи бўйича квалификация қилиниши лозим. Бундай ҳолатларда қасддан баданга енгил тан жароҳати етказиш, шунингдек хизмат вазифасини бажараётган ходимнинг қонуний фаолиятига ёки фуқаровий бурчини бажараётган шахсга фаол қаршилик кўрсатиш, ўзининг хизмат вазифасини бажариш ёки фуқаровий бурчини бажаришдан воз кечишга мажбур қилинганлиги ЖК 182-моддасининг иккинчи қисми диспозицияси билан қамраб олинади ва тегишлича ЖК 109 ва 219-моддалари билан қўшимча квалификация қилинишини талаб этмайди.

14. Товарларни қонунга хилоф равишда божхона чегараси орқали ўтказиш уюшган гуруҳ томонидан содир этилган деб топилган ҳолларда ЖК 182-моддаси иккинчи қисмининг “в” банди бўйича нафақат товарларни бевосита божхона чегарасидан ўтказган, балки барча уюшган гуруҳ аъзоларининг (масалан, Ўзбекистон Республикасининг божхона ҳудудига қонунга хилоф равишда олиб кириш мақсадида чет элда товар

харид қилган, божхона назорати пунктида уни ўтказишда қўмаклашган ёки божхона расмийлаштируви вақтида тақдим этилган ҳужжатларни қалбакилаштирган, юкнинг қонунга хилофлигини била туриб, транспорт экспедитори сифатида қатнашган уюшган гуруҳ аъзолари) ҳаракатлари ҳам квалификация қилинади.

15. Жиноятни ўз хизмат лавозимидан фойдаланган ҳолда содир этган шахс (ЖК 182-моддаси иккинчи қисмининг “г” банди) деб, хизмат бурчи-га кўра божхона чегараси орқали ўтказилаётган товарлар устидан божхона назоратини (ҳужжатлар ва маълумотларни текшириш, оғзаки сўров, божхона кўриги, божхона идентификациялаши, товарлар ҳисобини юритишни) амалга оширишга мажбур шахс топилши лозим. Бундай шахслар қаторига, шунингдек божхона назоратининг муайян шаклларида БК 189-моддасига асосан озод этилган ва ўз хизмат лавозимидан товарларни қонунга хилоф равишда божхона чегараси орқали ўтказиш учун фойдаланган шахслар ҳам киради.

Товарларни ўз хизмат лавозимидан фойдаланган ҳолда қонунга хилоф равишда божхона чегараси орқали ўтказган шахсларнинг ҳаракатлари ЖК 182-моддаси иккинчи қисмининг “г” банди бўйича квалификация қилинади ва Жиноят кодексининг ҳоқимият ёки мансаб ваколатини сууистеъмом қилиш (ЖК 192<sup>11</sup>, 205-моддалари), ҳоқимият ёки мансаб ваколати доирасидан четга чиқиш (ЖК 206-моддаси) жиноятлари учун жавобгарликни назарда тутувчи ЖК моддалари билан қўшимча квалификация қилишни талаб этмайди.

Товарларни қонунга хилоф равишда божхона чегараси орқали ўтказишда ўз хизмат лавозимидан фойдаланган шахс (жиноят ташкилотчиси, далолатчиси, ёрдамчиси)нинг ҳаракатлари ЖК 28-моддаси ва ЖК 182-моддаси иккинчи қисмининг “г” банди бўйича квалификация қилинади, уюшган гуруҳ аъзоларининг ҳаракатлари бундан мустасно.

16. Судлар шуни назарда тутишлари лозимки, шахснинг валютани қонунга хилоф равишда божхона чегараси орқали ўтказиш бўйича айбдорлиги масаласини ҳал этишда, Ўзбекистон Республикасига эркин олиб кириладиган ва олиб чиқиб кетиладиган нақд хорижий ва миллий валютанинг миқдори:

“Валютани тартибга солиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Жисмоний шахслар томонидан Ўзбекистон Республикаси нақд валютаси ва нақд чет эл валютасини Ўзбекистон Республикасининг божхона чегараси орқали олиб кириш ва олиб чиқиб кетиш қоидаларини тасдиқлаш ҳақида” 2018 йил 30 январдаги 66-сонли қарори билан

белгиланган.

Шахснинг ҳаракатлари Ўзбекистон Республикасининг божхона чегараси орқали олиб кириладиган ёки олиб чиқиб кетиладиган Ўзбекистон Республикаси нақд валютаси ва нақд чет эл валютасининг декларация қилиниши талаб қилинмайдиган қисмидан ошиқча бўлган миқдоридан келиб чиққан ҳолда квалификация қилинади ҳамда нақд валютанинг декларациялаш шарт бўлмаган қисми жиноят ёки маъмурий ҳуқуқбузарлик предмети ҳисобланмайди.

Бунда нақд валюта бир неча шахсларнинг иштирокида, улар ўртасида тақсимланиб божхона чегараси орқали ўтказиш ҳолати аниқланганида, қилмиш нақд валютанинг жами миқдоридан келиб чиқиб квалификация қилинади.

Тушунтирилсинки, нақд валютани божхона чегараси орқали ўтказиш билан боғлиқ жиноятлар ЖК 182-моддаси билан қамраб олиниб, ЖК 177-моддаси билан қўшимча квалификация қилиш талаб этилмайди.

17. Судлар шуни назарда тутишлари лозимки, ЖК 246-моддасига мувофиқ, божхона назоратини четлаб ёки божхона назоратидан яшириб ёхуд божхона ҳужжатлари ёки воситаларига ўхшатиб ясалган ҳужжатлардан алдаш йўли билан фойдаланиб, декларациясиз ёки бошқа номга ёзилган декларациядан фойдаланиб, кучли таъсир қилувчи, заҳарли, заҳарловчи, портловчи моддаларни, радиоактив материалларни, портлатиш қурилмаларини, қурол-яроғни, ўқотар қуролни, ўқ-дориларни ёки ўқотар қуролнинг асосий қисмларини, шунингдек гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ёки психотроп моддаларни, диний экстремизм, сепаратизм ва ақидапарастликни тарғиб қилувчи материалларни, ядровий, кимёвий, биологик ва оммавий қирғин қуролнинг бошқа турларини, шундай қуролларни яратишда фойдаланилиши мумкинлиги аён бўлган материал ва мосламаларни, радиоактив материалларни (бундан буён матнда контрабанда ашёлари деб юритилади) Ўзбекистон Республикасининг божхона чегарасидан ўтказиш бошқа жиноятни, яъни контрабанда жиноятининг таркибини ташкил этади.

Божхона чегараси орқали ЖК 246-моддасининг биринчи қисмида қайд этилган контрабанда ашёларини ўтказишда ифодаланган ҳаракатларни квалификация қилишда контрабанда предметлари миқдори ҳуқуқий аҳамият касб этмайди.

Агар шахс ЖК 182-моддаси таъсирига тушувчи товарларни божхона чегараси орқали ўтказиш билан бир қаторда контрабанда жиноятини содир этса, унинг ҳаракатлари ЖК 182 ва 246-моддаларида назарда тутилган жиноятлар мажмуи билан квалификация қилинади.

18. Диний материаллар божхона чегарасидан қонунга хилоф равишда олиб ўтилган ҳар бир

ҳолатда шахснинг ҳаракатларини тўғри квалификация қилиш учун уларда диний экстремизм, сепаратизм, ақидапарастлик ғоялари тарғиботи мавжуд ёки мавжуд эмаслиги масаласини аниқлаш мақсадида суд-диншунослик экспертизаси тайинланиши лозим. Агар экспертиза натижаларига кўра диний мазмундаги материалларда диний экстремизм, сепаратизм, ақидапарастлик ғоялари тарғиботи мавжудлиги аниқланса, шахснинг ҳаракатлари ЖК 246-моддаси бўйича квалификация қилинади.

19. Божхона назоратини четлаб, товарлар ёки бошқа моддий қимматликларни, шунингдек контрабанда ашёларини учувчисиз учадиган аппаратдан фойдаланилган ҳолда Ўзбекистон Республикаси божхона чегарасидан ўтказилганида, ЖК 244<sup>4</sup> ёхуд 248<sup>1</sup>-моддаси билан жиноятлар мажмуи бўйича квалификация қилиниши лозим.

20. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 8 июндаги 191-сонли қарори билан тасдиқланган “Дори воситалари ва тиббий буюмларни жисмоний шахслар томонидан шахсий фойдаланиш учун олиб кириш ҳамда олиб чиқиш тартиби тўғрисида”ги Низомда белгиланган меъёрда психотроп моддалар ёки гиёҳвандлик воситаларини божхона чегараси орқали олиб ўтишда жисмоний шахсда тиббиёт муассасаси томонидан даволаш курсининг тавсия этиладиган миқдори кўрсатилган ҳужжатлар мавжудлиги жинорий ёки маъмурий жавобгарликни келтириб чиқармайди.

Бунда тиббий ҳужжатда кўрсатилган дори воситалари ҳисобланувчи психотроп моддалар ёки гиёҳвандлик воситаларининг миқдори олиб кириладиган миқдорга тенг бўлиши, шунингдек дори воситалари ҳисобланувчи психотроп моддалар ёки гиёҳвандлик воситаларини олиб ўтаётган шахс ёки унинг ишончли вакилининг маълумотлари ҳужжатлардаги маълумотларга мос бўлиши шарт.

Ушбу Низом талабига кўра, рухсат берилган миқдорда гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни божхона тўғрисидаги қонунчиликни бузган ҳолда олиб кириш ва олиб чиқиш билан боғлиқ ҳолатлар аниқланса, жиноят ишини ЖК 65-моддасига асосан тугатиш масаласи муҳокама этилиши керак.

21. Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 211-моддасига мувофиқ, ҳукм, жиноят ишини тугатиш тўғрисида ажрим (қарор) чиқариш пайтида суд иш бўйича ашёвий далил

деб топилган предметлар, шу жумладан транспорт воситалари (контейнерлар)нинг тақдирини ҳал этиши шарт.

Мазкур масалани кўриб чиқиш чоғида судлар, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг “Жиноят ишлари бўйича ашёвий далилларга оид қонунчиликни қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида” 2012 йил 13 декабрдаги 17-сонли қарорида берилган тушунтиришларга амал қилишлари лозим.

Божхона тўғрисидаги қонунчиликни бузиш билан боғлиқ жиноятлар бўйича товар-моддий бойликлар давлат эгалигига ўтказилади. Агар товар-моддий бойликлар учун божхона тўлови амалга оширилган бўлса, ушбу тўловларни қайтариш масаласи ҳал қилиниши лозим.

Ашёвий далилларнинг давлат эгалигига ўтказилиши натижасида бошқа шахсларга етказилган мулкый зарар иқтисодий ёки фуқаровий суд ишларини юритиш тартибида ҳал этилади.

22. Шуни назарда тутиш лозимки, божхона чегараси орқали товарларни ноқонуний ўтказишда (ЖК 182-моддаси) фойдаланилган транспорт воситалари (контейнерлар) фақат товарлар божхона назоратини четлаб ёки божхона назоратидан яшириб ўтказилган ҳолдагина жиноят қуроли деб топилади.

23. Божхона тўғрисидаги қонунчиликни бузиш ва контрабандага оид ишларни кўришда судлар бундай жиноятлар содир этилишига олиб келган сабаб ва шарт-шароитларни аниқлашлари, шунингдек ашёвий далилларни олиш, ҳисобга қўйиш, баҳолашда қонунчиликка риоя этилганлигини синчиклаб текшириши ва процессуал қонунчилик нормалари бузилиши аниқланган ҳолларда хусусий ажрим чиқариш йўли билан муносабат билдиришлари зарур.

24. Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий суди, Қорақалпоғистон Республикаси суди, вилоятлар ва Тошкент шаҳар судлари божхона тўғрисидаги қонунчиликни бузганлик ва контрабандага доир ишлар бўйича суд амалиётини вақти-вақти билан умумлаштиришлари ҳамда йўл қўйилган қонун бузилишларини ўз вақтида бартараф этиш чораларини кўришлари лозим.

25. Мазкур қарор қабул қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг “Божхона тўғрисидаги қонунчиликни бузиш ва контрабандага оид ишлар бўйича суд амалиёти ҳақида” 2013 йил 6 сентябрдаги 18-сонли қарори ўз кучини йўқотган деб топилсин.

**Ўзбекистон Республикаси  
Олий суди раиси**

**Б. ИСЛАМОВ**

**Пленум котиби,  
Олий суд судьяси**

**И. АЛИМОВ**



## ПОСТАНОВЛЕНИЕ ПЛЕНУМА ВЕРХОВНОГО СУДА РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

20 февраля 2023 год

№ 2

город Ташкент

### О судебной практике по делам о нарушении таможенного законодательства и контрабанде

*Анализ судебной практики показал, что законодательство, предусматривающее ответственность за нарушение таможенного законодательства и контрабанду, чаще всего применяется судами правильно. Вместе с тем, при рассмотрении дел о нарушении таможенного законодательства и контрабанды допущены ошибки в виде различного толкования норм закона и неправильной квалификации преступлений.*

*В связи с вопросами, возникшими в судебной практике, а также изменениями и дополнениями, внесенными в законодательство, руководствуясь статьей 22 Закона Республики Узбекистан «О судах» Пленум Верховного суда*

#### ПОСТАНОВЛЯЕТ:

1. Разъяснить судам, что по смыслу статьи 5 Таможенного кодекса Республики Узбекистан и статьи 3 Закона «О Государственной границе Республики Узбекистан» таможенная граница Республики Узбекистан (далее - таможенная граница) совпадает с Государственной границей Республики Узбекистан. Таможенную территорию Республики Узбекистан составляют сухопутная территория Республики Узбекистан, территориальные и внутренние воды и воздушное пространство над ними.

На территории Республики Узбекистан могут находиться свободные таможенные зоны и свободные склады, территории которых рассматриваются как находящиеся вне таможенной территории, если иное не предусмотрено законодательством.

2. Порядок перемещения товаров и транспортных средств через таможенную границу строго установлен Таможенным кодексом Республики Узбекистан (далее - ТМК) и иным законодательством, а также международными договорами.

Любое перемещение товаров и транспортных средств через таможенную границу, совершенное с нарушением установленного порядка, считается незаконным и влечет административную либо уголовную ответственность.

Перемещение физического лица через «зеленый» коридор рассматривается как заявление лица таможенному органу о том, что у него не имеются товары, подлежащие письменному декларированию, и не освобождает от обязанности соблюдать требования таможенного законодательства.

3. Закон связывает вид ответственности за нарушение таможенного законодательства с размером незаконно перемещаемых через таможенную границу товаров или иных ценностей, который определяется, исходя из их стоимости на день совершения правонарушения.

Разъяснить судам, что непосредственным объектом преступления «нарушение таможенного законодательства» считается установленный порядок перемещения товаров или иных ценностей через та-

моженную границу Республики Узбекистан, при этом не имеет значения, имеются ли таможенные платежи в отношении товаров или иных ценностей.

За незаконное перемещение через таможенную границу товаров или иных ценностей до крупного размера всегда наступает административная ответственность, независимо от привлечения лица неоднократно в течение года к административной ответственности за аналогичные правонарушения.

Уголовная ответственность по части первой статьи 182 Уголовного кодекса Республики Узбекистан (далее - УК) наступает лишь в случаях, если лицо, привлеченное к административной ответственности за незаконное перемещение товаров и транспортных средств через таможенную границу в крупном размере (статьи 227<sup>19</sup>, 227<sup>20</sup>, 227<sup>21</sup>, часть первая статьи 227<sup>22</sup> Кодекса Республики Узбекистан об административной ответственности), в течение года после применения административного взыскания вновь совершает аналогичное пра-

вонарушение в крупном размере.

При перемещении товаров или иных ценностей через таможенную границу, ввозе или вывозе в пределах установленной нормы с использованием других лиц следует квалифицировать исходя из общего размера перемещаемых товаров или иных ценностей.

При наличии квалифицирующих признаков, предусмотренных в пунктах «б», «в» и «г» части второй статьи 182 УК, уголовная ответственность наступает лишь в случае нарушения таможенного законодательства в крупном размере независимо от привлечения лица ранее к административной ответственности за такие действия.

4. Предметом преступления, предусмотренного статьей 182 УК, является, в частности:

транспортные средства и товары, предусмотренные в статье 13 ТМК;

движимые предметы, предусмотренные во втором абзаце статьи 3 Закона Республики Узбекистан «О вывозе и ввозе культурных ценностей»;

объекты растительного и животного мира.

5. По смыслу статьи 182 УК незаконное перемещение товаров или иных ценностей (далее — товаров) через таможенную границу заключается в совершении действий по ввозу на таможенную территорию Республики Узбекистан или вывозу с этой территории товаров одним из следующих способов:

вывоз помимо таможенного контроля;

путем сокрытия от таможенного контроля;

путем обманного использования таможенных документов или средств таможенной идентификации;

путем недекларирования товаров или декларирования их не своим наименованием;

путем прорыва.

6. Перемещение товаров помимо таможенного контроля заключается в совершении любых умышленных действий по их ввозу на таможенную территорию Республики Узбекистан или вывозу с этой территории вне пунктов пропуска через таможенную границу Республики Узбекистан или вне времени производства таможенного контроля.

7. Под сокрытием от таможенного контроля товаров понимаются любые действия, направленные на то, чтобы затруднить их обнаружение либо утаить их подлинные свойства или количество (например, придание одним товарам вида других, подмена товаров, изъятие, погрузка других видов товаров, помещенных в грузовые помещения транспортных средств, не повреждая средства таможенной идентификации, использование тайников (пустот, проемов между стенами (рамами) чемоданов, сумок, транспортных средств, контейнеров и других средств перевозки, по своей конструктивной особенности не предназначенных для хранения и перевозки предметов, специально изготовленных или приспособленных для незаконного перемещения товаров через таможенную границу, сокрытие предметов преступления в теле человека, животного и т.п.).

8. Под обманным использованием документов или средств таможенной идентификации следует, в частности, понимать предъявление таможенным органам:

заведомо поддельных документов;

документов, заведомо содержащих недостоверные сведения;

документов, полученных незаконным путем либо относящихся к другим товарам;

недействительных документов;

а также использование поддельных средств таможенной идентификации (пломб, печатей, маркировки, идентификационных знаков, штампов и иных средств идентификации, предусмотренных статьей 197 ТМК) или подлинных средств идентификации, относящихся к другим товарам.

Обратить внимание судов на то, что для каждой процедуры перемещения товаров через таможенную границу законодательством предусмотрен отдельный перечень документов и сведений, подлежащих представлению таможенному органу (статьи 9, 18-19, 267 ТМК), не могут рассматриваться как незаконные действия лица, не представившего таможенным органам документы и сведения, не предусмотренные в указанных перечнях.

9. Перемещение товаров через таможенную границу путем недекларирования предполагает неуказание в таможенной декларации сведений о товарах, необходимых для принятия решения о разрешении на ввоз или вывоз (о выпуске) товаров, помещении их под избранный таможенный режим, об исчислении и взимании таможенных платежей либо перемещение через «зеленый» коридор товаров, подлежащих декларированию.

Под перемещением товаров через таможенную границу путем декларирования не своим наименованием следует понимать заявление в таможенной декларации или в другой установленной форме декларирования ложных сведений о товарах (наименование, качество, свойства).

Разъяснить, что самостоятельное исправление декларантом ошибок в таможенной декларации до начала проверки таможенной декларации, досмотра товаров и установления таможенным органом недостоверности указанных в тамо-

женной декларации сведений, исключает административную и уголовную ответственность.

Неиспользование права под таможенным контролем осматривать и измерять товары, отбирать их пробы и образцы до подачи таможенной декларации и других документов, необходимых для таможенных целей (статья 275 ТМК), не исключает ответственности декларанта.

10. Судам следует иметь в виду, что момент окончания преступления, предусмотренного статьей 182 УК, по каждому конкретному делу должен определяться в зависимости от способа незаконного перемещения товаров (помимо или с сокрытием от таможенного контроля, с обманным использованием документов или средств таможенной идентификации, с недекларированием или декларированием не своим наименованием).

Перемещение товаров, совершенное помимо таможенного контроля или с сокрытием от него, считается оконченным преступлением с момента фактического пересечения с товарами таможенной границы.

Перемещение товаров через таможенную границу, совершенное с обманным использованием документов или средств таможенной идентификации, либо сопряженное с недекларированием или декларированием не своим наименованием, считается оконченным преступлением с момента оформления принятия таможенной декларации (статья 264 ТМК).

11. При определении стоимости товаров, незаконно перемещаемых через таможенную границу, следует исходить из рыночных цен на момент совершения преступления.

В случае отсутствия товаров, незаконно перемещенных через таможенную границу и прошедших таможенное оформле-

ние (в результате их выпуска в свободное обращение, реализации и т.д.), их стоимостью признается таможенная стоимость, установленная при таможенном оформлении в соответствии с главой 44 ТМК.

При невозможности определения стоимости товаров (например, фальсифицированные спиртные напитки, контрафактные товары) их стоимость определяется в соответствии с законодательством об оценочной деятельности.

При определении размера незаконно перемещаемых через таможенную границу товаров должна приниматься во внимание стоимость только той части товаров, которая перемещена через таможенную границу помимо или с сокрытием от таможенного контроля, либо с обманным использованием документов или средств таможенной идентификации, либо сопряженное с недекларированием или декларированием не своим наименованием.

12. Если лицо наряду с нарушением таможенного законодательства совершит преступление в виде незаконного выезда за границу или въезда в Республику Узбекистан, его действия подлежат квалификации по совокупности преступлений, предусмотренных статьями 182 и 223 УК.

Деяния лица, представившего таможенным органам заведомо подложный документ в качестве достоверного документа, следует квалифицировать по статье 182 УК, и дополнительной квалификации по статье 228 УК не требуется.

13. Разъяснить судам, что действия лица подлежат квалификации по пункту «б» части второй статьи 182 УК, если преступление совершено путем прорыва таможенной границы.

При этом, под прорывом следует понимать действия,

выразившиеся в пересечении таможенной границы путем нападения на таможенный пост или открытого неподчинения требованиям режима таможенной границы любыми техническими средствами либо другими различными способами.

Если при совершении прорыва через таможенную границу виновным причинено умышленное тяжкое или средней тяжести телесное повреждение лицу или лицо умышленно убито, либо каким-то образом нанесен имущественный вред, содеянное следует квалифицировать по совокупности преступлений, предусмотренных пунктом «б» части второй статьи 182 УК и соответственно статьями 97, 104, 105, 173 УК. Причинение в таких случаях умышленного легкого телесного повреждения, а также активное противодействие правомерной деятельности сотрудника, исполняющего служебные обязанности или лица, выполняющего гражданский долг, принуждение к отказу от исполнения служебных обязанностей или выполнения гражданского долга охватывается диспозицией части второй 182 УК и дополнительной квалификации по статьям 109 и 219 УК не требует.

14. В тех случаях, когда незаконное перемещение через таможенную границу товаров или иных ценностей признается совершенным организованной группой, по пункту «в» части второй статьи 182 УК квалифицируются действия всех участников организованной группы, а не только тех, кто непосредственно перемещал товары или иные ценности через таможенную границу (например, действия участников организованной группы, которые приобрели товар за границей в целях его незаконного ввоза на таможенную территорию Республики Узбекистан, содействовали его перемеще-

нию в пункте таможенного контроля или фальсифицировали документы, представленные при таможенном оформлении товаров, выступали в качестве транспортных экспедиторов, зная о незаконности груза).

15. Лицом, совершившим преступление с использованием своего служебного положения (пункт «г» части второй статьи 182 УК), следует понимать лицо, которое в силу своих служебных полномочий обязано осуществлять таможенный контроль (проверку документов и информации, устный опрос, таможенный досмотр, таможенную идентификацию, учет товаров) за товарами, перемещаемыми через таможенную границу. К таким лицам относятся также лица, освобожденные от определенных форм таможенного контроля в соответствии со статьей 189 ТМК, и использующие свое служебное положение для незаконного перемещения товаров через таможенную границу.

Действия лиц, совершивших незаконное перемещение через таможенную границу товаров с использованием своего служебного положения, подлежат квалификации по пункту «г» части второй статьи 182 УК, и дополнительной квалификации по статьям УК, предусматривающим ответственность за злоупотребление властью или должностными полномочиями (статьи 192<sup>11</sup>, 205 УК) и превышение власти или должностных полномочий (статья 206 УК), не требуют.

Действия лица (организатора, подстрекателя, пособника преступления), использовавшего свое служебное положение для незаконного перемещения товаров через таможенную границу, квалифицируются по статье 28 УК и пункту «г» части второй статьи 182 УК за исключением действия участников организованной группы.

16. При разрешении вопроса

о виновности лица в незаконном перемещении через таможенную границу валюты судам следует иметь в виду, что количество свободно ввозимой и вывозимой из Республики Узбекистан наличной иностранной и национальной валюты установлено:

Законом Республики Узбекистан «О валютном регулировании»;

Постановлением Кабинета Министров Республики Узбекистан от 30 января 2018 года № 66 «Об утверждении правил ввоза и вывоза наличной валюты Республики Узбекистан и наличной иностранной валюты физическими лицами через таможенную границу Республики Узбекистан».

Квалификация лица определяется исходя из размера суммы, превышающей сумму одновременно ввозимой или вывозимой через таможенную границу Республики Узбекистан наличной валюты Республики Узбекистан и наличной иностранной валюты, не подлежащей декларированию; часть, которая не подлежит декларированию, не считается предметом преступления или административного правонарушения.

При этом в случае установление факта перемещения наличных валютных ценностей через таможенную границу с участием нескольких лиц путем распределения между ними, деяние квалифицируется исходя из общей суммы валютных ценностей.

Разъяснить, что преступления связанные с перемещением валютных ценностей через таможенную границу, охватываются статьей 182 УК и дополнительной квалификации по статье 177 УК не требуется.

17. Судам следует иметь в виду, что в соответствии со статьей 246 УК перемещение через таможенную границу помимо или с сокрытием от таможенного контроля либо с

обманным использованием документации или средств таможенной идентификации, либо сопряженное с недекларированием или декларированием не своим наименованием сильнодействующих, ядовитых, отравляющих, взрывчатых веществ, радиоактивных материалов, взрывных устройств, вооружения, огнестрельного оружия, боеприпасов или основных частей огнестрельного оружия, а также наркотических средств, их аналогов или психотропных веществ, либо материалов, пропагандирующих религиозный экстремизм, сепаратизм и фундаментализм, ядерного, химического, биологического и других видов оружия массового уничтожения, материалов и оборудования, радиоактивных материалов, которые заведомо могут быть использованы при его создании (далее

- предметы контрабанды) образует состав другого преступления - контрабанды.

Для квалификации действий, выраженных в перемещении через таможенную границу предметов контрабанды, перечисленных в части первой статьи 246 УК количество и размер предметов контрабанды правового значения не имеет.

В тех случаях, когда лицо наряду с перемещением через таможенную границу товаров, подпадающих под действие статьи 182 УК, совершает контрабанду, его действия следует квалифицировать по совокупности преступлений, предусмотренных статьями 182 и 246 УК.

Если лицо наряду с контрабандой совершает другие преступления, связанные с незаконным оборотом предметов контрабанды (статьи 247, 248, 273 УК и др.), его действия квалифицируются по совокупности преступлений.

18. Для правильной квалификации действий лица при незаконном перемещении через таможенную границу материалов

религиозного содержания во всех случаях необходимо назначение по делу судебно-религиоведческой экспертизы на предмет определения содержания в них пропаганды идей религиозного экстремизма, сепаратизма, фундаментализма. Если по результатам экспертизы в материалах религиозного содержания будет установлена пропаганда идей религиозного экстремизма, сепаратизма, фундаментализма, действия такого лица подлежат квалификации по статье 246 УК.

19. В случае перемещения через таможенную границу Республики Узбекистан товаров или иных материальных ценностей помимо таможенного контроля, а также предметов контрабанды с использованием беспилотных летательных аппаратов действия лица подлежат квалификации по совокупности преступлений по статье 244<sup>4</sup> либо по статье 248<sup>1</sup> УК.

20. Перемещение через таможенную границу психотропных веществ или наркотических средств, в количестве указанном в «Положении о порядке ввоза и вывоза лекарственных средств и изделий медицинского назначения физическими лицами для личного пользования», утвержденном постановлением Кабинета Министров Республики Узбекистан от 8 июня 2016 года № 191, при наличии документов, подтверждающих рекомендуемое количество на курс лечения, выданных физическому лицу медицинским учреждением, не влечет уголовной или административной ответственности.

При этом указанное в медицинском документе количество психотропных веществ или наркотических средств, должно быть равным ввозимому количеству, а также данные лица или его доверенного лица, перемещающего психотропные вещества или наркотические средства должны соответство-

вать данным, содержащимся в документах.

В случаях, ввоза и вывоза психотропных веществ или наркотических средств, с нарушением таможенного законодательства в количестве, разрешенном в соответствии с Положением, следует обсудить вопрос о прекращении уголовного дела на основании статьи 65 УК.

21. В соответствии со статьей 211 УПК при вынесении приговора, определения (постановления) о прекращении уголовного дела, суд должен разрешить вопрос о предметах, признанных по делу вещественными доказательствами, в том числе транспортных средств (контейнеров).

При рассмотрении данного вопроса судам необходимо также руководствоваться разъяснениями, изложенными в постановлении Пленума Верховного суда Республики Узбекистан от 13 декабря 2012 года № 17 «О некоторых вопросах применения законодательства о вещественных доказательствах по уголовным делам».

По преступлениям связанным с нарушением Таможенного законодательства товарно-материальные ценности подлежат обращению в доход государства.

Если за товарно-материальные ценности произведена оплата таможенных платежей, в этом случае подлежит обсуждению вопрос о возвращении этих платежей.

Имущественный ущерб, причиненный другим лицам в результате передачи вещественных доказательств в собственность государства, разрешается в порядке гражданского

и экономического судопроизводства.

22. Следует иметь в виду, что транспортные средства (контейнеры), используемые при незаконном перемещении товаров или иных ценностей через таможенную границу (статья 182 УК), признаются орудием преступления лишь в тех случаях, когда товары или иные ценности перемещаются помимо или с сокрытием от таможенного контроля.

23. При рассмотрении дел о нарушении таможенного законодательства и контрабанде судам следует устанавливать причины и условия, способствовавшие совершению таких преступлений, также необходимо тщательно проверять соблюдение законодательства при получении, учете, оценке вещественных доказательств и реагировать путем вынесения частных определений в случаях выявления нарушений норм процессуального законодательства.

24. Военному суду Республики Узбекистан, суду Республики Каракалпакстан, областным, Ташкентскому городскому судам периодически обобщать судебную практику по делам о нарушении таможенного законодательства и контрабанде, а также принять меры к своевременному устранению допущенных нарушений закона.

25. В связи с принятием настоящего постановления признать утратившим силу постановление Пленума Верховного суда Республики Узбекистан от 06 сентября 2013 года № 18 «О судебной практике по делам о нарушении таможенного законодательства и контрабанде».

**Председатель Верховного суда  
Республики Узбекистан**

**Б. ИСЛАМОВ**

**Секретарь Пленума,  
судья Верховного суда**

**И. АЛИМОВ**



## O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI OLIY SUDI PLENUMINING QARORI

2023 йил 20 февраль

№ 3

Тошкент шаҳри

### Судлар томонидан эр ва хотиннинг умумий мол-мулкни бўлиш ҳақидаги ишларни кўришда қонунчиликни қўллаш амалиёти тўғрисида

*Эр ва хотиннинг умумий мол-мулкни бўлишга оид низоларни ҳал қилишда қонун нормаларини судлар томонидан бир хилда ва тўғри қўлланилишини таъминлаш мақсадида "Судлар тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 22-моддасига асосан, Олий суд Пленуми*

#### Қ А Р О Р Қ И Л А Д И:

1. Судларга тушунтирилсинки, умумий мол-мулкни бўлиш эр ва хотиннинг даъвоси бўйича никоҳ давомида, никоҳдан ажратиш ҳақидаги ишни кўриш билан бир вақтда, шунингдек никоҳ бекор бўлгандан кейин ҳам амалга оширилиши мумкин.

Эр-хотиннинг умумий мол-мулкни бўлиш ҳақидаги даъво билан судга эр ва хотиндан ташқари, улардан бирининг умумий мол-мулкдаги улушига ундирувни қаратиш зарурати туғилган ҳолатларда кредитор ҳам мурожаат қилишга ҳақли.

Муомалага лаёқатсиз эр ёки хотиннинг манфаатида умумий мол-мулкни бўлиш тўғрисидаги даъво аризасини унинг васийси бериши мумкин (Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал кодекси (бундан буён матнда ФПК деб юритилади) 66-моддаси биринчи қисми).

Вафот этган эр ёки хотиннинг умумий мол-мулкдаги улушини аниқлаш ва бўлиш ҳақидаги даъво аризаси билан унинг меросхўрлари мурожаат қилишга ҳақли (Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси (бундан буён матнда ФК деб юритилади) 1114-моддаси).

2. Мазкур тоифадаги ишлар бўйича даъво аризалари судловга тегишлиликнинг умумий қоидаларига кўра, жавобгар доимий яшаб турган ёки доимий машғул бўлган жойдаги судга берилади. Шунингдек, даъво аризасини қабул қилишда ФПК 35-моддасида белгиланган судловга тегишлиликнинг алоҳида қоидалари ҳам инобатга олинishi лозим.

3. Суд тартибида тарафлар ёки бирор-бир асосга кўра учинчи шахсларнинг (масалан, ижара, мулкдан текин фойдаланиш, омонат сақлаш ва шу каби шартномалар бўйича) эгалигида ёки

фойдаланишида бўлган мол-мулк бўлинишини инобатга олиб, судлар даъво аризасини қабул қилиш ва ишни суд муҳокамасига тайёрлашда мол-мулклар ҳақида тегишли маълумотларни аниқлаб олишлари зарур.

Бу тоифадаги ишларни суд муҳокамасига тайёрлашда, суд тарафларнинг аризаси ёки ўз ташаббусига кўра, даъвони таъминлаш чораларини кўриши лозим.

Даъвони таъминлаш чораларининг сақланиш муддати ва уларни бекор қилиш масалалари ФПК 112-моддаси талаблари асосида тартибга солинади.

4. Эр ва хотиннинг умумий мол-мулкни бўлишга оид низоларни тўғри ҳал қилиш учун судлар, биринчи навбатда, уларнинг эгалигида ва фойдаланишида бўлган мол-мулкнинг қайси бири қонунга кўра эр-хотиннинг биргаликдаги умумий мулки ва қайси бири ҳар бирининг ўз мулки эканлигини аниқлашлари зарур.

Эр-хотиннинг биргаликдаги умумий мулки таркиби Ўзбекистон Республикасининг Оила кодекси (бундан буён матнда ОК деб юритилади) 23-моддасига мувофиқ аниқланади.

Мол-мулкни умумий биргаликдаги мулк деб топиш масаласини ҳал қилишда мол-мулк эр ёки хотиндан қайси бирининг номига расмийлаштирилганлиги ёхуд пул маблағлари қайси бири томонидан киритилганлиги аҳамият касб этмайди.

Эр ва хотиннинг ёзма келишуви асосида алимент мажбуриятларини бажариш юзасидан улардан бирининг номига олинган мол-мулк эр-хотиннинг умумий биргаликдаги мулки ҳисобланмайди.

5. Эр ва хотиннинг никоҳга қадар ўзига тегиш-

ли бўлган мол-мулки, улардан ҳар бирининг никоҳ давомида бепул олган мол-мулки, шунингдек никоҳ давомида умумий маблағлари ҳисобига олинган эр ва хотиннинг шахсий фойдаланишдаги буюмлари ҳар бирининг ўз мулки ҳисобланади ва бўлинмайди. Никоҳ давомида умумий маблағлари ҳисобига олинган қимматбаҳо буюмлар ва зеб-зийнатлар бундан мустасно (ОК 25, 26-моддалари).

6. ОК 27-моддасининг олтинчи ва еттинчи қисмларига кўра, вояга етмаган болалар эҳтиёжи учун олинган нарсалар (кийим-кечак, оёқ кийим, мактаб ва спорт анжомлари, мусиқа асбоблари, болалар кутубхонаси ва бошқалар), шунингдек эр-хотиннинг умумий мол-мулки ҳисобидан вояга етмаган болалари номига қўйилган омонатлар ҳам болаларга тегишли ҳисобланиб, эр ва хотиннинг умумий мол-мулкни бўлишда ҳисобга олинмайди ҳамда мазкур мол-мулклар болалар эр ва хотиндан қайси бири билан яшаса, унга компенсациясиз берилади.

7. Агар эр-хотин никоҳдан ажратилгунга қадар оилавий муносабатларни тугатган, яъни алоҳида яшаган ва ўз маблағларидан алоҳида фойдаланган, умумий маблағлари ҳисобига мол-мулк олмаган бўлсалар, суд ОК 27-моддасининг бешинчи қисмига мувофиқ, эр ёки хотиннинг бири томонидан оилавий муносабатлар тугатилган даврда орттирилган мол-мулкни улардан ҳар бирининг ўз мулки деб топиши ва фақат эр-хотин томонидан оилавий муносабатлар тугатилган вақтга қадар орттирилган мол-мулкни бўлиши мумкин. Оилавий муносабатлар тугатилгандан кейин орттирилган мол-мулкни эр ёки хотиннинг ўз мулки деб топиш тўғрисида қарши даъво берилиши шарт эмас.

8. Никоҳ даврида эр ёки хотиндан ҳар бирига тегишли бўлган мол-мулкнинг қиймати анча ошган бўлса, ушбу мол-мулк манфаатдор эр ёки хотиннинг талаби бўйича суд томонидан биргаликдаги мулк деб топилиши мумкин. Бундай талабни ҳал этишда мол-мулкнинг қиймати қандай маблағлар, яъни умумий мол-мулк, эр-хотиндан ҳар бирининг мол-мулки ёхуд эр ва хотиндан бирининг меҳнати ҳисобига анча ошганлиги, шунингдек мол-мулкнинг никоҳга қадар ва никоҳ даврида маблағ қўшилгандан кейинги ҳолати аниқланиши лозим (ОК 25-моддасининг иккинчи қисми).

9. Эр-хотиннинг умумий мол-мулкни бўлиш ҳақидаги масалани ҳал қилишда, башарти уларнинг ўртасида никоҳ шартномаси тузилмаган бўлса, судлар ОК 5-бобида назарда тутилган нормаларга риоя этишлари лозим.

Эр ва хотин ўртасида нотариал тартибда тасдиқланган никоҳ шартномаси мавжуд бўлган ҳолларда мол-мулк никоҳ шартномасида назарда тутилган шартлар асосида бўлинади.

Никоҳ шартномасида умумий мол-мулкнинг айрим турларига нисбатан биргаликдаги умумий мулкнинг қонунда белгиланган тартиби (ОК 23-моддаси) ўзгартирилган ҳолларда, никоҳ шартномасида кўрсатилмаган мол-мулк қонунда белгиланган тартибда бўлинади.

Бунда шуни инобатга олиш керакки, ОК 31-моддасининг бешинчи қисмига кўра, никоҳ шартномасининг эр ёки хотиндан бирини ўта ноқулай шароитга солиб қўядиган (масалан, эр-хотиндан бирини никоҳ даврида топилган мол-мулкка нисбатан мулк ҳуқуқидан батамом маҳрум этадиган) шартлари шу эр ёки хотин талаби бўйича суд томонидан ҳақиқий эмас деб топилиши мумкин.

10. Эр ва хотиндан бирининг талаби бўйича суд ОК 28-моддасининг иккинчи қисмида назарда тутилган асосларга кўра, эр-хотиннинг умумий мол-мулкдаги улушлари тенглигидан чекиниши мумкин. Эр ва хотин улушлари тенглигидан чекиниш суд ҳужжатида батафсил асослантирилиши лозим.

11. ОК 27-моддасининг тўққизинчи қисмида никоҳдан ажратилган эр-хотиннинг умумий мол-мулкни бўлиш ҳақидаги талаблар учун белгиланган уч йиллик даъво муддатининг ўтишини никоҳ тугатилган вақтдан (фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органларида никоҳдан ажратиш қайд этилган ёки суднинг ҳал қилув қарори қонуний кучга кирган кундан) эмас, балки шахс ўз ҳуқуқи бузилганлигини билган ёки билиши лозим бўлган кундан бошлаб ҳисоблаш лозим (ФК 154-моддасининг биринчи қисми).

Судларнинг эътибори шунга қаратилсинки, даъво муддати фақат тарафнинг биринчи инстанция суди ҳал қилув қарори қабул қилиш учун алоҳида хонага (маслаҳатхонага) киргунига қадар берган аризасига асосан қўлланилади. Суд даъво муддатини ўз ташаббуси билан қўллашга ҳақли эмас.

12. Умумий мол-мулкни бўлишда, ОК 28-моддасининг тўртинчи қисмига асосан эр ёки хотиндан бири томонидан эр ёки хотиннинг эркига зид равишда ва оила манфаатига мос бўлмаган тарзда сарфланган мол-мулк ёхуд унинг қиймати ҳисобга олинади.

Агар эр ёки хотин умумий мол-мулкни яширган, унга зарар етказган ёки йўқ қилган бўлса, суд оила ва фуқаролик ҳуқуқининг умумий тамойиллари (ҳуқуқ ўхшашлиги), шунингдек ҳалоллик ва адолат тамойилларидан келиб чиқиб, мол-мулк-

ни бўлишда ушбу мол-мулкни ёки унинг қиймати-ни ҳисобга олиши мумкин (ОК 7-моддаси).

13. Эр-хотиндан бирига мол-мулкни асл ҳолида бериш масаласини ҳал этишда суд мол-мулкнинг хусусияти ва нима учун мўлжалланганлиги, уни сотиб олиш шартлари ва бошқа эътиборга молик ҳолатларни инобатга олиши лозим. Масалан, автотранспорт воситасини бўлишда суд эр-хотиндан қай бири ундан амалда фойдаланганлиги, техник ҳолатига қараб келганлиги, ҳайдовчилик гувоҳномаси борлиги ва бошқа ҳолатларни эътиборга олади.

14. Турар жой ёки бошқа кўчмас мулкни асл ҳолида бўлиш масаласи суд томонидан фуқаролик қонунчилиги нормаларини инобатга олган ҳолда ҳал этилиши лозим (ФК 223, 226-моддалари).

Умумий мол-мулк ҳисобланган турар жойни асл ҳолида бўлиш имконияти мавжуд бўлмаган ҳолларда, суд даъвони рад қилиш билан бирга, тарафларга турар жойдан фойдаланиш тартибини белгилаш ҳақидаги даъво билан судга мурожаат қилиш ҳуқуқини тушунтиради.

15. Бўлиниши лозим бўлган мол-мулк қиймати иш кўрилган вақтдаги бозор нархларидан келиб чиққан ҳолда белгиланади. Турар жой ёки бошқа кўчмас мулкнинг қиймати низоли объект турган жойдаги нархдан келиб чиққан ҳолда белгиланади.

Эр ва хотиннинг умумий мол-мулки қиймати юзасидан низо бўлганда тегишли экспертиза тайинланиши мумкин.

16. Умумий мол-мулкни бўлишда суд эр ва хотиннинг ҳар бирига қайси мол-мулк берилишини белгилайди.

Эр ва хотиннинг биргаликдаги умумий мулкида икки ёки ундан ортиқ турар жой мавжуд бўлса (уй, квартира) суд эр ва хотиндан қай бирининг эгаллигига у ёки бу турар жой ўтишини белгилаши лозим.

Тарафлардан бирига унинг мол-мулкдаги улушидан ортиқ қийматга эга бўлган мол-мулк берилган ҳолларда суд бошқа тарафга пул компенсацияси тўлашни белгилайди.

Суд ҳужжатининг хулоса қисмида айнан қайси мол-мулк қайси тарафга берилганлиги, компенсация миқдори ва уни тўлаши лозим бўлган шахс аниқ кўрсатилиши лозим.

Шунингдек, пул компенсацияси ундириш белгиланган ҳолларда суд ҳужжатининг хулоса қисмида эр ёки хотиннинг бирига ўтган мол-мулкка эгалик ҳуқуқи пул компенсацияси тўлаб берилганидан кейин вужудга келиши кўрсатилиши шарт.

17. Ҳуқуқи бузилган эр ёки хотин эр-хотиндан бири томонидан умумий мол-мулкни тасарруф

этиш бўйича амалга оширилган битим юзасидан низолашганда, низо ОК 24-моддасининг учинчи ва тўртинчи қисмлари талабларига асосан ҳал қилиниши лозим. Ушбу моддада белгиланган махсус даъво муддатини қўллаш ФК 153-моддасида назарда тутилган тартибда амалга оширилади.

Битимни ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисидаги даъво аризаси берилгандан кейин эр ёки хотиндан бири вафот этган тақдирда, суд процессуал ҳуқуқий ворислик тартибда уни меросхўрлари билан алмаштиради (ФПК 47-моддаси).

18. Эр ва хотиннинг розилиги билан масъулияти чекланган жамият, қўшимча масъулиятли жамият, хўжалик ширкати устав фондига киритилган пул ва мулкый ҳиссалар, жумладан, кўчар ва кўчмас мулк мазкур тижорат ташкилотининг мулки ҳисобланади.

Бунда тижорат ташкилоти устав фондидаги улуш эр ва хотиннинг умумий биргаликдаги мулки ҳисобланади.

Манфаатдор эр ёки хотиннинг тижорат ташкилотидаги улушнинг бир қисмини унга ўтказиб бериш (улушни бўлиш) ҳақидаги талаби фақатгина қонун ёки тижорат ташкилотининг таъсис ҳужжатларида улуш (бир қисми)ни учинчи шахсларга ўтиш имконияти назарда тутилган ҳолларда қаноатлантирилиши мумкин. Бунда манфаатдор эр ёки хотин қонун ва таъсис ҳужжатларида белгиланган тижорат ташкилоти иштирокчиси мажбуриятларини қабул қилишга рози бўлиши лозим.

Акс ҳолда манфаатдор эр ёки хотин кўрсатилган тижорат ташкилотининг устав фондидаги унга тегишли улушини пул шаклида ажратиб беришни талаб қилишга ҳақли.

Низолашилаётган улуш қиймати тегишли тижорат ташкилотининг фаолиятини тартибга солувчи қонунда белгиланган қоидалар асосида аниқланади.

19. Шартнома асосида мол-мулк олинганда (масалан, кўчмас мулк, ер участкаси, автотранспорт воситаси олди-сотди шартномалари ва ҳоказо) мулк ҳуқуқи ФК 185-моддасининг иккинчи қисмига мувофиқ, шартнома рўйхатдан ўтказилган ёки нотариал тартибда тасдиқланган пайдан бошлаб вужудга келади.

Агар мол-мулк шартнома асосида никоҳ давомида олинган бўлиб, шартнома эр-хотин никоҳдан ажратилгандан сўнг рўйхатдан ўтказилган бўлса, мол-мулкни бўлиш тўғрисидаги ишни кўришда, суд ОК 23-моддаси талабларига амал қилиши лозим. Аксинча, мол-мулк шартнома асосида никоҳга қадар олинган бўлиб, шартнома эр-хотин никоҳга киргандан сўнг давлат рўйхати-

дан ўтказилган ҳолда, башарти мол-мулк бўлажак эр-хотиннинг умумий маблағлари ҳисобига олинганлиги исботланмаса, суд ОК 25-моддаси талабларига амал қилиши лозим.

20. Умумий мол-мулкни бўлишда эр-хотиннинг умумий қарзлари (ОК 28-моддасининг учинчи қисми) ва оила манфаатлари йўлида вужудга келган мажбуриятлар ҳам инobatга олинади. Бироқ, судлар шуни назарда тутишлари лозимки, тўйни, шунингдек никоҳ маросимлари билан боғлиқ бошқа тадбирларни ўтказиш учун олинган қарзлар ва бошқа харажатлар бунда инobatга олинмайди (ОК 44-моддаси).

21. Мулк ҳуқуқини вужудга келиши асосларидан бири битимлар бўлиб, кредит маблағлари эвазига сотиб олинган кўчмас мулк ҳам эр ва хотиннинг умумий биргаликдаги мулки ҳисобланади (ФК 182-моддаси).

Шунга кўра, ОК 28-моддасининг учинчи қисми талабидан келиб чиқиб, кредит маблағлари эвазига сотиб олинган кўчмас мулкни бўлишда судларнинг эътибори кредит шартномаси бўйича тўланиши лозим бўлган пул суммаси ҳам эр ва хотиннинг умумий қарз мажбуриятлари деб топилиши шартлигига қаратилсин.

Суд ҳужжатида эр ва хотин уларга тақсимланган кўчмас мулкдаги улушларига мутаносиб равишда кредитор олдида жавобгар эканликлари тушунтирилиши лозим.

Кредит мажбуриятларини кўчмас мулкдаги улуши қийматидан ортиқ миқдорда бажарган эр ёки хотин кредит бўйича мажбуриятлар тўлиқ бажарилгандан кейин ўз улуши қийматидан ортиқ тўланган суммани ундириш ёки улушларни қайта тақсимлаш ҳақидаги даъво аризаси билан судга мурожаат қилишга ҳақли.

Мазкур тоифадаги ишларни кўришда судлар тегишли кредит ташкилотини мустақил талаблар билан арз қилмайдиган учинчи шахс сифатида ишда иштирок этишга жалб қилишлари лозим.

Шунингдек, агар мол-мулк эр ёки хотиннинг бири томонидан никоҳга киргунига қадар кредит маблағлари эвазига сотиб олинган бўлиб, кредит мажбуриятлари эса никоҳ давомида бажарилганда, никоҳ давомида тўланган пул суммаси эр-хотиннинг умумий биргаликдаги мулки ҳисобланади.

22. Судларнинг эътибори, агар шартномада мол-мулк қийматини бўлиб-бўлиб тўлаш ва мулк

ҳуқуқи тўловлар тўлиқ амалга оширилгандан кейин сотиб олувчига ўтиши назарда тутилганда, иш ҳолатларидан келиб чиқиб, тарафлар никоҳдан ажратилгунига ёки умумий рўзғор юртиш тугатилгунга қадар тўланган пул суммаси эр-хотиннинг умумий биргаликдаги мулки ҳисобланишига қаратилсин.

23. Эр ва хотиннинг умумий мол-мулкни бўлиш ҳақидаги даъво аризаси юзасидан давлат божи қонунда белгиланган миқдорда даъвогар талаб қилаётган мол-мулк қийматидан келиб чиққан ҳолда тўланади.

Суд мазкур тоифадаги ишлар бўйича давлат божини тақсимлашда тарафларга берилган мол-мулк ёки унинг улуши қийматидан келиб чиқиши лозим.

24. Қуйидаги мулкий ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган низолар фуқаролик қонунчилиги бўйича ҳал этилади:

никоҳни фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органларида қайд этмасдан бир оила бўлиб яшайдиган шахсларнинг мулкий низолари;

деҳқон ва фермер хўжалиқларининг, хусусий корхона ва оилавий корхонанинг мол-мулкни бўлиш ҳақидаги низолар;

никоҳи ҳақиқий эмас деб топилган шахсларнинг мулкий низолари.

Никоҳи ҳақиқий эмас деб топилган шахсларнинг биргаликда орттирган мол-мулкни бўлиш ҳақидаги низоларни кўришда судлар ОК 56-моддасининг тўртинчи қисмига асосан, бундай никоҳ тузилиши билан ҳуқуқи бузилган эр ёки хотин (инсофли эр ёки хотин) манфаатида ОК 23, 27 ва 28-моддаларини қўллашга ҳақли.

25. Қорақалпоғистон Республикаси суди, вилоятлар ва Тошкент шаҳар судлари эр ва хотиннинг умумий мол-мулкни бўлишга доир ишлар бўйича суд амалиётини мунтазам равишда умумлаштириб бориши ва мазкур тоифадаги ишлар кўрилишида суд хатоларининг олдини олиш юзасидан чоралар кўриши лозим.

26. Мазкур қарор қабул қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг “Судлар томонидан никоҳдан ажратишга оид ишлар бўйича қонунчиликни қўллаш амалиёти тўғрисида” 2011 йил 20 июлдаги 6-сонли қарорининг 20-28-бандлари ўз кучини йўқотган деб топилсин.

**Ўзбекистон Республикаси**  
**Олий суди раиси**

**Пленум котиби,**  
**Олий суд судьяси**

**Б. ИСЛАМОВ**

**И. АЛИМОВ**

**ПОСТАНОВЛЕНИЕ ПЛЕНУМА ВЕРХОВНОГО СУДА РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН**

20 февраля 2023 год

№ 3

город Ташкент

**О практике применения судами законодательства при рассмотрении дел о разделе общего имущества супругов**

*В целях обеспечения единообразного и правильного применения судами норм закона при разрешении споров о разделе общего имущества супругов, на основании статьи 22 Закона Республики Узбекистан «О судах» Пленум Верховного суда*

**ПОСТАНОВЛЯЕТ:**

1. Разъяснить судам, что раздел общего имущества возможен по иску супругов во время брака, одновременно с рассмотрением дела о расторжении брака, а также после расторжения брака.

Кроме супругов, с иском о разделе общего имущества супругов вправе обратиться также кредитор при необходимости обращения взыскания на долю одного из супругов в общем имуществе.

В интересах недееспособного супруга исковое заявление о разделе общего имущества супругов может быть заявлен его опекуном (часть первая статьи 66 Гражданского процессуального кодекса Республики Узбекистан (далее – ГПК).

Исковое заявление об определении доли умершего супруга в общем имуществе и его разделе вправе предъявить его наследники (статья 1114 Гражданского кодекса Республики Узбекистан (далее – ГК).

2. Исковые заявления по данной категории дел по общим правилам подсудности подаются в суд по месту жительства или по месту постоянного занятия ответчика. Также, при принятии искового заявления следует учитывать

и правила исключительной подсудности, установленные статьей 35 ГПК.

3. Учитывая, что в судебном порядке подлежит разделу имущество, находящееся во владении или пользовании у сторон или по каким-либо основаниям у третьих лиц (например, по договорам аренды, безвозмездного пользования имуществом, хранения и тому подобных), судам при приеме искового заявления и подготовке дела к судебному разбирательству необходимо выяснять соответствующие сведения об имуществе.

При подготовке дел данной категории к судебному разбирательству суд на основании заявления сторон или по своей инициативе должен принять меры по обеспечению иска.

Вопросы срока сохранения мер обеспечения иска и их отмены регулируются на основании требований статьи 112 ГПК.

4. Для правильного разрешения споров о разделе общего имущества супругов судам, в первую очередь, необходимо установить, какое имущество находится в их владении и пользовании имущество по закону является их общей со-

вместной собственностью и какое - собственностью каждого из супругов.

Состав общей совместной собственности супругов определяется на основании статьи 23 Семейного кодекса Республики Узбекистан (далее – СК).

При разрешении вопроса о признании имущества общей совместной собственностью не имеет значения на имя кого из супругов оформлено имущество или кем из них внесены денежные средства.

Не является общей совместной собственностью супругов имущество, приобретенное на имя одного из них во исполнение алиментных обязательств на основании письменного соглашения супругов.

5. Имущество, принадлежащее каждому из супругов до вступления в брак, безвозмездно полученное одним из них во время брака, а также вещи индивидуального пользования супругов, приобретенные во время брака за счет общих средств супругов, являются личной собственностью каждого супруга и разделу не подлежат. Исключением являются приобретенные во время брака за счет общих средств супругов драгоценности и другие предметы роско-

ши (статьи 25, 26 СК).

6. В силу частей шестой и седьмой статьи 27 СК вещи, приобретенные для удовлетворения потребностей несовершеннолетних детей (одежда, обувь, школьные и спортивные принадлежности, музыкальные инструменты, детская библиотека и другие), а также вклады, внесенные за счет общего имущества супругов на имя несовершеннолетних детей, считаются принадлежащими этим детям, не учитываются при разделе общего имущества супругов и передаются без компенсации тому из супругов, с которым проживают дети.

7. Если до расторжения брака супруги прекратили семейные отношения, то есть проживали раздельно и раздельно использовали свои доходы, не приобретали имущество на общие средства, суд в соответствии с частью пятой статьи 27 СК может признать имущество, нажитое каждым из супругов после прекращения семейных отношений, собственностью каждого из них, и произвести раздел лишь того имущества, которое нажито супругами ко времени прекращения семейных отношений. Предъявление встречного иска о признании имущества, нажитого после прекращения семейных отношений, собственностью каждого из супругов не обязательно.

8. Если в период брака значительно увеличилась стоимость имущества, принадлежащего каждому из супругов, это имущество по требованию заинтересованного супруга может быть признано судом совместной собственностью. При разрешении такого требования необходимо выяснять, за счет каких вложений, то есть общего имущества, иму-

щества каждого из супругов либо труда одного из супругов, значительно увеличилась стоимость, а также состояние имущества до брака и после произведенных в браке вложений (часть вторая статьи 25 СК).

9. При разрешении вопроса о разделе общего имущества супругов, если между ними не заключен брачный договор, судам следует руководствоваться нормами, предусмотренными в главе 5 СК.

При наличии между супругами нотариально удостоверенного брачного договора имущество подлежит разделу на условиях, содержащихся в брачном договоре.

В случаях, когда в брачном договоре изменен режим общей совместной собственности (статья 23 СК) в отношении отдельных видов имущества, не указанное в брачном договоре имущество подлежит разделу в порядке, установленном законом.

При этом следует иметь в виду, что согласно части пятой статьи 31 СК условия брачного договора, которые ставят одного из супругов в крайне неблагоприятное положение (например, полностью лишают одного из супругов права собственности на имущество, приобретенное в браке) могут быть признаны недействительными по требованию этого супруга.

10. По требованию одного из супругов суд может отступить от равенства долей супругов в их общем имуществе по основаниям, предусмотренным частью второй статьи 28 СК. Отступление от равенства долей супругов должно быть подробно мотивировано в судебном акте.

11. Течение установленной частью девятой статьи 27

СК трехлетнего срока исковой давности для требований о разделе общего имущества супругов, брак которых расторгнут, следует исчислять не с момента прекращения брака (день регистрации расторжения брака в органах записи актов гражданского состояния либо день вступления в законную силу решения суда), а со дня, когда лицо узнало или должно было узнать о нарушении своего права (часть первая статьи 154 ГК).

Обратить внимание судов, что срок исковой давности применяется судом лишь по заявлению стороны, сделанному до удаления суда первой инстанции в отдельную (совещательную) комнату для принятия решения. Суд не вправе применять срок исковой давности по собственной инициативе.

12. На основании части четвертой статьи 28 СК при разделе общего имущества учитывается имущество, которое один из супругов израсходовал по своему усмотрению вопреки воле другого супруга и не в интересах семьи, или его стоимость.

В случае, если супруг скрыл, повредил или уничтожил общее имущество, суд, исходя из общих принципов семейного и гражданского права (аналогии права), а также принципов добросовестности и справедливости, может учесть при разделе это имущество либо его стоимость (статья 7 СК).

13. При решении вопроса о передаче имущества в натуре одному из супругов суд должен учитывать характер и назначение имущества, условия его приобретения и другие заслуживающие внимания обстоятельства. Например, при разделе автотранспортного средства суд принимает

во внимание, кто из супругов фактически пользовался им, следил за техническим состоянием, имеет водительское удостоверение и другие обстоятельства.

14. Вопрос о разделе жилого помещения или другого недвижимого имущества в натуре должен решаться судом с учетом норм гражданского законодательства (статьи 223, 226 ГК).

В случае невозможности раздела жилого помещения, являющегося общим имуществом, в натуре, суд, наряду с отказом в удовлетворении иска, разъясняет сторонам право обращения в суд с иском об определении порядка пользования жилым помещением.

15. Стоимость имущества, подлежащего разделу, определяется исходя из рыночных цен, действующих на время рассмотрения дела. Стоимость жилого помещения или другого недвижимого имущества определяется исходя из цен, действующих в местности, где расположен спорный объект.

При наличии спора о стоимости общего имущества супругов может быть назначена соответствующая экспертиза.

16. При разделе общего имущества суд определяет, какое имущество передается каждому из супругов.

Если в общей совместной собственности супругов имеются два или более жилых помещения (жилой дом, квартира), суду необходимо определить, в собственность кого из супругов переходит то или иное жилое помещение.

В случаях передачи одной стороне имущества, стоимость которого превышает его долю, суд определяет другой стороне выплату денежной

компенсации.

В резолютивной части судебного акта должно быть конкретно указано, какое имущество передается каждой стороне, размер компенсации и лицо, которое ее должно выплачивать.

Также, в случае взыскания денежной компенсации, в резолютивной части судебного акта должно быть указано, что право собственности одного из супругов на переданное ему имущество возникает после выплаты компенсации.

17. В случае, когда супруг, права которого нарушены, оспаривает сделку об отчуждении общего имущества, совершенную другим супругом, спор разрешается на основании требований частей третьей и четвертой статьи 24 СК. Применение специального срока исковой давности, предусмотренного данной статьей, осуществляется в порядке статьи 153 ГК.

В случае смерти одного из супругов после подачи искового заявления о признании сделки недействительной, суд в порядке процессуального правопреемства производит его замену правопреемниками (статья 47 ГПК).

18. Денежные и имущественные вклады, включая движимое и недвижимое имущество, внесенные с согласия супругов в уставный фонд общества с ограниченной ответственностью, общества с дополнительной ответственностью, хозяйственного товарищества, являются собственностью этой коммерческой организации.

При этом, общей совместной собственностью супругов является доля в уставном фонде коммерческой организации.

Удовлетворение требова-

ния заинтересованного супруга о передаче ему части доли в уставном фонде коммерческой организации (разделе доли) возможно только в случаях, когда законом или учредительными документами коммерческой организации предусмотрена возможность перехода доли (ее части) третьим лицам. При этом, заинтересованный супруг должен быть согласен принять обязанности участника коммерческой организации, установленные законом и учредительными документами.

В противном случае, заинтересованный супруг вправе претендовать на выдел причитающейся ему доли в уставном фонде указанной коммерческой организации в денежном выражении.

Стоимость оспариваемой доли определяется по правилам, установленным законом, регулирующим деятельность соответствующей коммерческой организации.

19. В соответствии с частью второй статьи 185 ГК при приобретении имущества по договору (например, по договорам купли-продажи недвижимости, земельного участка, автотранспортного средства и так далее) право собственности возникает с момента государственной регистрации или нотариального удостоверения договора.

Если имущество по договору приобретено во время брака, а его регистрация проведена после расторжения брака супругов, суду при рассмотрении дела о разделе имущества следует руководствоваться требованиями статьи 23 СК. Наоборот, в случае, когда имущество приобретено по договору до вступления в брак, а государственная регистрация договора проведена после

регистрации брака супругов, суду следует руководствоваться требованиями статьи 25 СК, если не будет доказано, что имущество приобретено за счет общих средств будущих супругов.

20. При разделе общего имущества учитываются также общие долги супругов (часть третья статьи 28 СК) и обязательства, возникшие в интересах семьи. Однако, суды должны иметь в виду, что долги и иные расходы по проведению свадьбы, а также иных мероприятий, связанных с бракосочетанием, при этом не учитываются (статья 44 СК).

21. Учитывая, что одним из оснований возникновения права собственности является сделка, недвижимое имущество, приобретенное на кредитные средства, также является общей совместной собственностью супругов (статья 182 ГК).

В связи с этим, исходя из требований части третьей статьи 28 СК, обратить внимание судов, что при разделе недвижимого имущества, приобретенного на кредитные средства, подлежащая оплате по кредитному договору денежная сумма также должна быть признана общим долговым обязательством супругов.

В судебном акте необходимо разъяснить, что супруги несут перед кредитором ответственность пропорционально присужденным им долям в недвижимом имуществе.

Супруг, выполнивший кредитные обязательства в размере, превышающем стоимость его доли в недвижимом имуществе, после полного исполнения обязательств по кредиту вправе обратиться с иском о взыскании суммы, выплаченной сверх стоимости

его доли, либо о перераспределении долей.

При рассмотрении дел данной категории суды должны привлекать соответствующую кредитную организацию к участию в деле в качестве третьего лица, не заявляющего самостоятельных требований.

Также, если имущество приобретено за счет кредитных средств одним из супругов до вступления в брак, а кредитные обязательства исполнены в период брака, общей совместной собственностью супругов считается денежная сумма, оплаченная в период брака.

22. Обратить внимание судов, что, если в договоре предусмотрена оплата стоимости имущества в рассрочку и переход права собственности на покупателя после произведения полной оплаты, общей совместной собственностью супругов считается, исходя из обстоятельств дела, денежная сумма, оплаченная сторонами до расторжения брака или прекращения ведения общего хозяйства.

23. Исковое заявление о разделе общего имущества супругов подлежит оплате государственной пошлиной в установленных законом размерах, исходя из стоимости имущества, на которое претендует истец.

При распределении государственной пошлины по данной категории дел суд должен исходить из стоимости переданного сторонам имущества либо его доли.

24. Споры, вытекающие

из следующих имущественно-правовых отношений, разрешаются на основании гражданского законодательства:

имущественные споры лиц, проживающих одной семьей без регистрации брака в органах запись актов гражданского состояния;

споры о разделе имущества дехканских и фермерских хозяйств, частного предприятия и семейного предприятия;

имущественные споры лиц, брак которых признан недействительным.

При рассмотрении споров о разделе совместно нажитого имущества лиц, брак которых признан недействительным, суды на основании части четвертой статьи 56 СК вправе применить положения, установленные статьями 23, 27 и 28 СК в интересах супруга, права которого нарушены заключением такого брака (добросовестного супруга).

25. Суду Республики Каракалпакстан, областным и Ташкентскому городскому судам следует регулярно обобщать судебную практику по делам о разделе общего имущества супругов и принимать меры к предупреждению судебных ошибок при рассмотрении дел указанной категории.

26. В связи с принятием настоящего постановления признать утратившими силу пункты 20-28 постановления Пленума Верховного суда Республики Узбекистан от 20 июля 2011 года № 6 «О практике применения судами законодательства по делам о расторжении брака».

**Председатель Верховного суда  
Республики Узбекистан**

**Б. ИСЛАМОВ**

**Секретарь Пленума,  
судья Верховного суда**

**И. АЛИМОВ**



## ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI OLİY SUDI PLENUMINING QARORI

2023 йил 20 февраль

№ 4

Тошкент шаҳри

### Судлар томонидан солиқ қонунчилигини қўллашнинг айрим масалалари ҳақида

*Суд амалиётини ўрганиш натижалари судлар солиқ қонунчилигини айрим хатоларни инобатга олмаганда, асосан тўғри қўллаётганликларини кўрсатди. Солиқ низоларини кўришда судлар томонидан қонунчилик ҳужжатларини тўғри ва бир хилда қўлланилишини таъминлаш мақсадида “Судлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 22-моддасига асосланиб, Олий суд Пленуми*

#### ҚАРОР ҚИЛАДИ:

##### I БОБ. УМУМІЙ МАСАЛАЛАР

1. Судларнинг эътибори солиқ қонунчилигининг доираси Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг (бундан буён матнда Солиқ кодекси, Солиқ кодексининг, Солиқ кодексида деб юритилади) 2-моддаси билан белгиланганлигига қаратилсин.

2. “Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг ЎРҚ-599-сонли Қонуни (бундан буён матнда ЎРҚ-599-сонли Қонуни деб юритилади) билан Солиқ кодекси янги таҳрирда тасдиқланганлигидан келиб чиқиб, судлар:

солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича имтиёзларнинг амал қилиш муддати ЎРҚ-599-сонли Қонуннинг 4-моддасида назарда тутилганлигига;

янги таҳрирдаги Солиқ кодекси 2020 йил 1 январдан эътиборан кучга кирганлигига ва унинг қоидаларини қўллаш тартиби ЎРҚ-599-сонли Қонуни 6-моддасида белгиланганлигига;

махсус иқтисодий зоналарнинг иштирокчилари билан боғлиқ солиқ низоларини кўришда Солиқ кодексининг 68-бобида назарда тутилган нормалар қўлланилишига эътибор қаратсин.

3. Судлар Солиқ кодексининг 13-моддасида белгиланган солиқ тўловчининг ҳақлиги презумпцияси принципини қўллашда солиқларни ҳисоблаш, ундириш, тўлаш ёки солиқ органи ва солиқ тўловчи ўртасидаги муносабатларда вужудга келган қарама-қаршиликлар ва ноаниқликларга эмас, балки аниқ қонунчилик ҳужжатларидаги бартараф этиб бўлмайдиган қарама-қаршиликлар ва ноаниқликларга баҳо бериши лозим.

4. Судлар шуни назарда тутиши лозимки, со-

лиқ низоларининг тарафлари сифатида Солиқ кодексида назарда тутилган субъектлар ҳамда бошқа қонунчилик ҳужжатларида назарда тутилган давлат органлари ва бошқа шахслар иштирок этиши мумкин.

Шунингдек, ихтиёрий тугатиш жараёнида бўлган юридик шахслар номидан тугатувчи, тўловга қобилиятсизлик тўғрисида иш қўзғатилган шахслар номидан эса суд бошқарувчиси судга мурожаат қилишга ҳақли.

5. Солиқ кодекси 88-моддасининг тўртинчи қисмига кўра, солиқ мажбурияти бўйича даъво қилиш муддатининг ўтиши Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 156, 157 ва 159-моддаларига мувофиқ тўхтатиб турилиши, узилиши ва қайта тикланиши мумкин.

6. Солиқ кодексининг 110-моддасига асосан ҳисобланган ва белгиланган муддатда тўланмаган пеня ҳам Солиқ кодексининг 55-моддасига мувофиқ, солиқ қарзи деб эътироф этилишини эътиборга олган ҳолда судлар шуни назарда тутиши лозимки, ҳисобланган пенядан солиқ тўловчини озод этишга ёки пеня миқдорини камайтиришга йўл қўйилмайди, бундан қонунчилик ҳужжатларида назарда тутилган ҳолатлар мустасно.

7. Ўзбекистон Республикаси томонлардан бири бўлган, иккиёқлама солиқ солишининг олдини олиш ва солиқларни тўлашдан бўйин товлашни бартараф этиш масалаларини тартибга соладиган халқаро шартнома қоидалари шундай шартномани тузган бир ёки иккала давлатнинг солиқ резидентларига нисбатан қўлланилади.

Шунга кўра, бундай тоифадаги ишларни кўришда судлар зарур ҳолларда Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги ёки Адлия вазирлигига мурожаат қилиб, судда кўрилаётган низога доир масала юзасидан халқаро шартно-

малар мавжуд ёки мавжуд эмаслигини аниқлаш чорасини кўриш кераклигига эътибор қаратилсин.

## II БОБ. ПРОЦЕССУАЛ ҚОНУНЧИЛИКНИ ҚўЛЛАШ

8. Солиқ низолари судга тааллуқлилиқ ва судловга тегишлилиқнинг умумий қоидаларига асосан туманлараро, туман (шаҳар) судлари томонидан биринчи инстанция суди сифатида кўрилади (бундан Ўзбекистон Республикаси Олий суди, вилоят ва унга тенглаштирилган судлар томонидан кўриладиган ишлар мустасно).

9. Судларга тушунтирилсинки, жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳимоя қилиниши лозим бўлган суд иши юритуви турини тўғри аниқлаш (даъво иш юритуви ёки оммавий ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган иш юритуви) суд ҳимояси учун мурожаат қилган шахснинг талабидан келиб чиққан ҳуқуқий муносабатларга боғлиқдир.

10. Судларнинг эътибори шунга қаратилсинки, солиқ қарздорлигини ундириш, солиқ тўловчиларнинг бюджетдан пул суммаларини қайтариш, ундириш сўзсиз (акцептсиз) тартибда амалга ошириладиган ижро ҳужжати юзасидан низолар, ҳуқуқий таъсир чораларини қўллаш тўғрисидаги ишлар тегишлилигича иқтисодий судлар ва фуқаролик ишлари бўйича судларнинг судловига, солиқ органларининг қарорлари ва улар мансабдор шахсларининг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги), солиқ органи томонидан солиқ тўловчиларнинг консолидациялашган гуруҳини ташкил этиш тўғрисидаги шартномани рўйхатдан ўтказишни рад этиш устидан ариза (шикоят) маъмурий судларнинг судловига тааллуқли, бундан солиқ тўловчини солиққа оид ҳуқуқбузарлик содир этганлик учун маъмурий жавобгарликка тортиш бўйича қабул қилган қарорлари мустасно.

Солиқ органининг норматив характерга эга бўлган ҳужжатлари бўйича манфаатдор шахс Ўзбекистон Республикаси Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодексининг (бундан буён матнда МСИЮТК, МСИЮТКнинг деб юритилади) 22-боби тартибда низолашиши мумкин.

11. Солиқ қарзини ундириш солиқ органи томонидан тўғридан-тўғри ёки суд орқали амалга оширилишини инобатга олиб, судлар бу тоифадаги ишларни кўришда Солиқ кодексининг 15-бобида назарда тутилган тартибга риоя қилинганлигига эътибор қаратиши лозим.

12. Судларнинг эътибори даъво аризаси, ариза (шикоят) процессуал қонунчиликнинг тегишли нормалари – Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг 189-моддаси, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодексининг 149, 218-моддалари, МСИЮТК

128-моддаси, шунингдек Солиқ кодексининг махсус нормаларида қайд этилган талабларга жавоб бериши лозимлигига қаратилсин.

Масалан, солиқ органи томонидан берилган даъво аризасида ундирилиши сўралган солиқ тури, даври, суммаси, солиқ органининг фикри бўйича ҳуқуқни суистеъмол қилинганлигини, битим қалбакилигини (кўзбўямачилиқ учун тузилганлигини) тасдиқловчи ва талабни асослантурувчи бошқа ҳолатлар кўрсатилиши керак.

13. Ишни суд муҳокамасига тайёрлаш жараёнида судья тегишли процессуал қонунчиликда белгиланган ҳаракатларни амалга ошириши, жумладан, даъвони таъминлаш ёки дастлабки ҳимоя чораларини қўллаш, зарур далилларни олиш чораларини кўриши лозим.

14. Ишда иштирок этувчи шахсларнинг вакилликка оид масалаларни ҳал қилишда судлар шуни назарда тутиши лозимки, “Солиқ маслаҳатига оид фаолият тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунига кўра, солиқ маслаҳатчилари ташкилотининг юридик ва жисмоний шахсларга шартнома асосида хизматлар кўрсатишга доир фаолиятига солиқ маслаҳатчисининг солиққа оид ҳуқуқий муносабатлар билан боғлиқ бўлган иқтисодий, фуқаролик ҳамда маъмурий ишларни кўриб чиқишда вакиллик қилиш ҳам кирази. Бундай ваколат ишонч билдирувчи томонидан процессуал қонунчиликда белгиланган тартибда берилган ишончнома, солиқ маслаҳатчилари ташкилоти билан тузилган солиқ маслаҳати бўйича хизматлар кўрсатиш тўғрисида шартнома (ундан кўчирма) ва малака сертификати асосида тасдиқланади.

15. Судларга тушунтириш лозимки, солиқ қонунчилигига кўра, солиқ тўловчилардан ундирилган солиқлар ва йиғимлар белгиланган тартибда бюджет тизимига (бюджетга ва давлат мақсадли жамғармаларига) йўналтирилиши сабабли, ортиқча тўланган ёки ортиқча ундирилган солиқларни қайтариш ёки ундириш тўғрисидаги даъво қаноатлантирилганда ҳал қилув қарорида ундириладиган сумма бюджет тизимидан қайтарилиши кўрсатилиши лозим.

Бундай ҳолатда судлар Солиқ кодексининг 12-бобида назарда тутилган нормалар қўлланилишига эътибор қаратсин.

Шу муносабат билан солиқ тўловчилар томонидан ортиқча тўланган ёки солиқ органи ортиқча ундирган пул маблағларини бюджетдан қайтариш тўғрисида даъво аризалари берилганда судлар Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ва (ёки) унинг ҳудудий органларини низо предметиға нисбатан жавобгар тарафида мустақил талаблар билан арз қилмайдиган учинчи шахс сифатида ишда иштирок этишга жалб қилиш масаласини муҳокама қилиши лозим.

16. Солиқ кодексининг 14-моддасига асосан солиқ органлари солиқ солиш мақсадида барча битимлар ва солиқ тўловчи киришадиган бошқа иқтисодий муносабатлар, уларнинг юридик жиҳатдан расмийлаштирилиши усулидан ёки шартноманинг номланишидан қатъи назар, ўзининг ҳақиқий иқтисодий мазмунидан келиб чиққан ҳолда ҳисобга олиш ваколатига эга.

Бунда қўшимча солиқ ҳисобланиши натижасида ҳосил бўлган солиқ қарзи солиқ органларининг солиқ текшируви бўйича ҳуқуқни суиистеъмол қилишнинг, битим қалбакилигининг (кўзбўямачилик учун тузилганлигининг) ҳолатларини аниқлаш, шунингдек уларнинг оқибатларини қўллашга асосланган ва бунга солиқ тўловчи норози бўлган тақдирда солиқ органи ҳосил бўлган солиқ қарзини ундириш ҳақидаги даъво аризаси билан фуқаролик ишлари бўйича судга ёки иқтисодий судга мурожаат қилиши лозим.

Солиқ тўловчининг юқорида қайд этилган норозилиги солиқ текшируви якуни бўйича текширув материалларини кўриб чиқиш босқичи тугагунга қадар билдирилмаган бўлса, солиқ органининг солиқни қўшиб ҳисоблаш тўғрисида қабул қилган қарори юзасидан маъмурий судда низолашиш мумкин.

Судларнинг эътибори солиқ органининг ҳуқуқни суиистеъмол қилиш ёки битим қалбакилигининг (кўзбўямачилик учун тузилганлигининг) ҳолатлари бўйича солиқ қарзини суд орқали ундириш ҳақида қабул қилган қарори солиқ тўловчи учун ҳуқуқий оқибат келтириб чиқармаслиги сабабли, уни ҳақиқий эмас деб топиш ҳақидаги талаб судга тааллуқли эмаслигига қаратилсин.

### **III БОБ. СОЛИҚ НИЗОЛАРИНИ СУДЛАРДА КЎРИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ**

#### ***Маъмурий судларда кўриладиган солиққа оид низолар бўйича***

17. Солиқ органининг, улар мансабдор шахсларининг қарорлари, ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан шикоят қилиш тўғрисидаги ишлар МСИ-ЮтКнинг 23-боби тартибида кўриб чиқилади.

18. Солиқ органининг сайёр солиқ текшируви ва солиқ аудити натижалари бўйича қабул қилинган қарори устидан берилган шикоят юқори турувчи солиқ органи томонидан қонунда белгиланган муддатларда кўриб чиқилмаганлиги, солиқ тўловчининг белгиланган муддат ўтгандан кейин солиқ органининг қарорини судда низолашиш ҳуқуқини истисно қилмайди.

Шу билан бирга, судларнинг эътибори солиқ тўловчи судга юқори турувчи солиқ органи мансабдор шахсининг шикоятни муддатида кўриб чиқмасликда ифодаланган ҳаракатсизлиги устидан ариза (шикоят) билан мурожаат қилиши мумкинлигига қаратилсин.

19. Судларга тушунтирилсинки, юқори турувчи солиқ органи томонидан шикоятни тўлиқ ёки қисман кўрмасдан қолдириш асослари Солиқ кодексининг 234-моддасида келтирилган.

Агар шикоят Солиқ кодекси 234-моддаси биринчи қисмининг бешинчи хатбошисига асосан кўрмасдан қолдирилган ёки шикоят солиқ органининг белгиланган тартибда илгари шикоят қилинган қарори устидан берилганлиги асоси билан кўрмасдан қолдирилган ёхуд юқори турувчи солиқ органи томонидан шикоят бериш учун ўтказиб юборилган муддатни тиклаш рад этилган бўлса, солиқ тўловчи қуйи турувчи солиқ органининг қарори устидан судга мурожаат қилишга ҳақли.

20. Солиқ кодекси 231-моддасининг тўққизинчи қисмида солиқ органларининг қарорлари, мансабдор шахсларининг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан шикоят қилиш қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда амалга оширилиши қайд этилганлиги сабабли, бундай аризалар (шикоятлар) МСИЮтК 186-моддасининг биринчи қисмида назарда тутилган муддатда берилиши мумкин.

Солиқ тўловчи низолашилаётган қарор ҳақида билган пайт деганда, қарор белгиланган тартибда топширилмаган бўлса-да, у низоли қарордан амалда хабардор бўлган вақт (масалан, солиқ органининг қарори асосида солиқ тўловчидан солиқни ундиришга қаратилган ҳаракатлар ва ҳоказо) тушунилади.

Юқори турувчи солиқ органига шикоят қилинганда солиқ органининг қарорлари устидан судга шикоят қилиш муддати, қуйи турувчи солиқ органининг қарори қабул қилинган кундан эътиборан ўта бошлайди (Солиқ кодексининг 234-моддаси тартибида кўрмасдан қолдирилган шикоятлар бундан мустасно).

21. МСИЮтК 186-моддасининг учинчи қисмига кўра, суд ариза (шикоят) беришнинг узрли сабабларга кўра, ўтказиб юборилган муддатини тиклашга ҳақли.

Судга мурожаат қилишнинг ўтказиб юборилган муддатини тиклаш ҳақидаги масалани ҳал қилишда, судлар аризачининг низолашилаётган қарор ёки ҳаракат (ҳаракатсизлик) ҳақида билган ёхуд билмаганлиги, аризачи ўзининг бузилган ҳуқуқларини тиклаш борасида қандай чоралар амалга оширганлигига эътибор қаратиши лозим.

Масалан, фавқулодда ҳолатлар, карантин, фуқаронинг оғир ва давомли касаллиги, шахнинг солиқ қарори ҳақида беҳабарлиги судга мурожаат қилишга объектив тўсқинлик қилувчи ҳолатлар сифатида ариза беришнинг муддати узрли сабабларга кўра ўтказиб юборилган деб топилиши учун асос бўлиши мумкин.

Суд ҳар бир иш бўйича аризачи томонидан қонун билан белгиланган судга мурожаат қилиш муддатларига риоя қилинганлигини аниқлаши, мазкур

муддатлар бузилганда эса, манфаатдор шахснинг муддатни ўтказиб юборилишига сабаб сифатида келтирилган важларини муҳокама қилиши лозим.

22. Солиқ кодекси 231-моддасининг иккинчи қисмида назарда тутилган шикоят юқори турувчи солиқ органи томонидан кўриб чиқилганидан сўнг суд тартибида шикоят қилинганда суд тегишли тартибда юқори турувчи солиқ органини ишга жалб қилиши лозим, бундан Солиқ кодекси 235-моддаси тўртинчи қисмининг иккинчи хатбосида кўрсатилган ҳолат мустасно.

23. Судларнинг эътибори шунга қаратилсинки, “Жамоатчилик назорати тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 4-моддасига асосан солиқлар ва йиғимларни белгилаш, жорий этиш ва бекор қилишга, ҳисоблаб чиқариш ҳамда тўлашга доир муносабатлар жамоатчилик назоратининг объекти ҳисобланмаслиги, МСИЮТКнинг 23-боби тартибида солиқ органларининг индивидуал характерга эга бўлган қарорлари (мансабдор шахснинг ҳаракати, ҳаракатсизлиги) низолашиши мумкинлигидан келиб чиққан ҳолда судга юқорида қайд этилган Қонун асосида мурожаат қилган жамоатчилик назорати субъектининг аризасини судья МСИЮТК 134-моддаси биринчи қисмининг 3-бандига асосан қайтаришга ҳақли.

24. Ариза (шикоят) солиқ тўловчи ёки унинг вакили томонидан имзоланиб, камчиликлар бартараф этилганидан сўнг қўзғатилган маъмурий ишни кўришда суд, аризачининг илтимосига кўра жамоатчилик назорати субъектини мустақил талаб билан арз қилмайдиган учинчи шахс сифатида жалб қилиш масаласини ҳал қилади.

25. Судларга тушунтирилсинки, МСИЮТКнинг 79-моддасида кўрсатилган масалалар юзага келганда, суд томонидан экспертиза тайинланиши мумкин.

Солиққа оид низолар юзасидан тайинланадиган экспертиза турини аниқлашда судлар эксперт текшируви объектининг хусусиятидан келиб чиқиши лозим (масалан, суд-солиқ, суд-бухгалтерия ва ҳоказо).

Судлар маъмурий иш бўйича тайинланган экспертизани ўтказиш учун тўлов ундирилиши масаласини “Суд экспертизаси тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 25-моддаси талаблари асосида ҳал этиши лозим.

Судлар ишларни кўришда сансалорлик ва ишларни кўриш муддати чўзилиб кетишининг олдини олиш мақсадида ўз вақтида экспертга зарур ҳужжатларни тақдим этиш бўйича чоралар кўриши лозим.

Эксперт хулосаси суд учун олдиндан белгиланган кучга эга эмас ва иш бўйича бошқа далилларнинг йиғиндиси билан баҳоланиши лозим. Суднинг экспертиза хулосасига қўшилмаганлиги суд қароридан асосланганлиги шарт.

26. Солиқ органи қарори, мансабдор шахснинг ҳаракати (ҳаракатсизлиги) устидан берилган ариза (шикоят)ни кўришда маъмурий судлар қуйидагиларни текшириши керак:

солиқ текширувини ўтказиш ҳақидаги қарор ваколатли шахс томонидан қабул қилинганлиги;

солиқ текширувини ўтказишда қонунчиликда белгиланган тартиб-таомилларга амал қилинганлиги;

текширув рўйхатга олинганлиги ҳолатлари.

27. Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 187<sup>8</sup>-моддаси суриштирувчининг, терговчининг, прокурорнинг қарори ёки суднинг ажрими асосида тайинланган тафтиш натижалари тўғрисидаги далолатнома нусхаси қонуний чоралар кўриш учун тегишли ваколатли органга юборилишини ҳам назарда тутди.

Тафтиш натижалари устидан текширилаётган субъектнинг мансабдор шахслари ёки вакиллари Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 187<sup>10</sup>-моддасига асосан суриштирувчига, терговчига, прокурорга ёки судга қўшимча ёки қайта тафтиш тайинлаш тўғрисида шикоят қилишга ҳақли эканлиги белгиланган.

Ваколатли орган томонидан қонуний чоралар кўриш юзасидан қабул қилинган қарор маъмурий ҳужжат ҳисобланади ва унинг устидан судга шикоят қилиниши мумкин.

Маъмурий ҳужжат уни қабул қилишнинг қонунчиликда белгиланган тартиб-таомиллари бузилганлиги асосида ҳақиқий эмас деб топилган тақдирда, суд қарори билан ваколатли орган зиммасига текшириш натижаларини қайта кўриб чиқиш мажбурияти юкланиши лозим.

Маъмурий ишни тергов ҳаракатлари олиб борилаётган ёки жиноят ишлари бўйича судда кўрилаётган жиноят иши юзасидан қарор қабул қилингунига қадар кўриш мумкин бўлмаганда (низолашилаётган қарорда кўрсатилган ҳисоб-китобларга эътироз билдирилган ҳолларда) суд МСИЮТК 99-моддасининг 1-бандига асосан иш юритишни тўхтатиши шартлигига эътибор қаратилиши лозим.

28. Судларнинг эътибори қўшилган қиймат солиғи суммасини ҳисобга олиш бекор қилинганлиги натижасида ҳисобланган солиқ суммасини ундириш тўғрисидаги қарорни низолашиш бўйича ишларни кўришда Солиқ кодексининг 267-моддасида назарда тутилган асосларни тасдиқловчи далиллар мавжудлигига қаратилиши лозим (масалан, солиқ тўловчи томонидан енгил автомобиллар, мотоцикллар, вертолётлар, моторли қайиқлар, самолётлар, шунингдек моторли воситаларнинг бошқа турлари ва улар учун ёқилғи сотиб олинганда, ушбу товарларнинг юридик шахс амалга ошираётган фаолият турига боғлиқлигига аниқлик киритиш учун фаолиятни амалга ошириш учун берилган лицензи-

ялар, транспорт воситасини бошқариш учун ҳайдовчини (пилотни) бириктириш ҳақида буйруқ, транспорт воситасини бошқарувчи шахсга берилган суғурта полиси, транспорт воситаси эксплуатациясига оид ҳужжатлар ёхуд алкоголь ва тамаки маҳсулотлари сотиб олинганида, уларга акциз маркаси мавжудлиги ва ҳоказо).

29. Солиқ базасини яшириш (камайтириб кўрсатиш) билан боғлиқ низоларни кўришда, солиқ тўловчининг ҳаракатларида Солиқ кодексининг 223-моддасида назарда тутилган, солиқ базасини яшириш (камайтириб кўрсатиш) деб баҳоланадиган ҳолатлар мавжуд ёки мавжуд эмаслигига эътибор қаратиш лозим.

Солиқни (йиғимни) нотўғри ҳисоблаб чиқариш деганда – солиқ суммасини ҳисоблашдаги хатоликлар тушунилади (масалан, солиқ суммасини ҳисоблашда солиқ тўловчи томонидан солиқ ставкаларининг нотўғри қўлланилиши).

Солиқ кодексининг 223, 226 ва 227-моддаларида назарда тутилган солиққа оид ҳуқуқбузарликлар аломатлари солиқни (йиғимни) нотўғри ҳисоблаб чиқариш сифатида баҳоланмайди.

30. Тушунтирилсинки, солиқ текшируви жараёнида инвентаризация ўтказилганда, инвентаризацияни ўтказиш учун солиқ органи раҳбари (раҳбар ўринбосари) буйруқ чиқариши, инвентаризация ўтказиш жараёни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 7 январдаги 1-сонли қарори билан тасдиқланган “Солиқ текширувларини ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисида”ги Низом 5-бобининг 11-параграфи ҳамда 6-бобининг 7-параграфида белгиланган қоидаларга мос бўлиши керак.

31. Судлар солиқ тўловчи ишчи-ходимларининг ҳақиқий сони ва солиқ ҳисоботида акс эттирилган ишчи-ходимлар сонига мувофиқлиги билан боғлиқ ҳолатларга баҳо беришда, солиқ органи томонидан текширишда солиқ тўловчининг ҳақиқатда фаолият юритаётган ишчи-ходимлари сони аниқланганлиги ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 7 январдаги 1-сонли қарори билан тасдиқланган “Солиқ текширувларини ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисида”ги Низомнинг 11-иловасига мувофиқ шаклда баённома тузилганлиги, солиқ ҳисоботларида мавжуд бўлмаган ишчи-ходимлардан уларнинг ишлаш даври ҳамда олаётган даромадлари суммаси (иш ҳақи) тўғрисида ёзма равишда тушунтиришлар ёки бошқа далиллар олинганлигига эътибор қаратиши лозим.

32. Солиқ органи қарори ҳақиқий эмас, мансабдор шахсининг ҳаракати (ҳаракатсизлиги) қонунга хилоф деб топилган тақдирда, судлар МСИЮТК 189-моддасининг бешинчи қисмига мувофиқ, тегишли солиқ органи ёки мансабдор шахсининг зиммасига солиқ текшируви материалларини қайта кўриб чиқиш ёхуд шахсининг бузил-

ган ҳуқуқ ва қонуний манфаатларни тиклаш учун қонунда назарда тутилган ҳаракатларни амалга ошириш мажбуриятини юклаш масаласини муҳокама қилиши лозим.

Масалан, солиқ текшируви материалларини кўриб чиқишнинг тартиб-таомилининг муҳим шартларини (солиқ текшируви материалларини кўриб чиқиш жараёнида солиқ тўловчи шахсан ва (ёки) ўз вакили орқали иштирок этиш имконияти таъминланмаганлиги, солиқ тўловчига тушунтиришлар бериш имкони яратилмаганлиги, солиқ текшируви материаллари ваколатсиз шахс томонидан кўрилганлиги) бузилишига йўл қўйилганда, солиқ текшируви материалларини қайта кўриб чиқиш мажбурияти юкланиши лозим.

33. Судларнинг эътибори солиқ низолари юзасидан қабул қилинган ҳал қилув қарорининг ҳулоса қисмида ҳақиқий эмас деб топилган солиқ органи қарори ҳақида батафсил маълумотлар, жумладан, қарорнинг номи, санаси, рақами, банди ҳамда мансабдор шахсининг ҳаракати (ҳаракатсизлиги) нимада ифодаланганлиги аниқ акс эттирилган бўлиши лозимлигига қаратилсин.

#### **Иқтисодий судларда кўриладиган солиққа оид низолар бўйича**

34. Судларга тушунтирилсинки, судга солиқ органи Солиқ кодексига назарда тутилган солиққа оид ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишлар бўйича молиявий санкция қўллаш тўғрисида ариза билан мурожаат этганда, молиявий санкция қўллаш солиқ органининг ваколатига кириши сабабли, бундай аризани Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодекси 154-моддаси биринчи қисмининг 1-бандига асосан қабул қилиш рад этилиши, агар ариза иш юритишга қабул қилинган бўлса, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодекси 110-моддаси биринчи қисмининг 1-бандига асосан иш юритиш тугатилиши лозим.

Солиқ органи томонидан солиқ тўловчининг (солиқ агентининг) банкдаги ҳисобварақлари бўйича операцияларни тўхтатиб туриш тўғрисида ариза билан мурожаат этилганда судлар солиқ тўловчининг (солиқ агентининг) банкдаги ҳисобварақлари бўйича операцияларни тўхтатиб туриш учун Солиқ кодекси 111-моддасининг учинчи қисмида кўрсатиб ўтилган асослар мавжудлигини ҳамда солиқ органи томонидан солиқ тўловчининг (солиқ агентининг) банкдаги ҳисобварақлари бўйича операцияларни солиқ органининг раҳбари (раҳбар ўринбосари) томонидан ўн кундан кўп бўлмаган муддатга тўхтатиб туриш тўғрисидаги қарори мавжудлигини ўрганиши лозим.

35. Суднинг қарорига асосан тўловга қобилиятсиз деб топилган ва тугатишга доир иш юритиш давом этаётган юридик шахс ёки якка тартибдаги тадбиркорга нисбатан солиқ органи томони-

дан молиявий жарима қўллаш ёхуд банклардаги ҳисобварақлари бўйича операцияларни тўхта-тиб туриш ҳақидаги ариза билан мурожаат қилинган бўлса, ушбу талаблар тўловга қобилиятсизлик тўғрисидаги иш доирасида кўрилмаслиги сабабли ариза судда мазмунан кўриб чиқилиши лозим.

Бироқ, суднинг қарорига асосан тўловга қобилиятсиз деб топилган ва тугатишга доир иш юритиш давом этаётган юридик шахсга нисбатан солиқ органи томонидан банклардаги ҳисобварақлари бўйича операцияларни тўхтатиб туриш ҳақидаги ариза билан мурожаат қилинганда, “Тўловга қобилиятсизлик тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 148-моддасига биноан тугатиш бошқарувчиси томонидан қарздорнинг барча ҳисобварақлари ёпилиши ва ягона ҳисобварақ очилишини инobatга олиб, ушбу аризани қаноатлантириш рад этилиши лозим.

36. Солиқ кодекси 269-моддаси биринчи қисмининг 3-бандида етказиб берувчи томонидан тақдим этилган ҳисобварақ-фактуралар қонунчиликда белгиланган тартибда ҳақиқий эмас деб эътироф этилиши назарда тутилган бўлиб, бу ўз навбатида ҳисобварақ-фактураларни ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисидаги низо судга тааллуқли эканлигини англамайди.

#### **Фуқаролик ишлари бўйича судларда кўриладиган солиққа оид низолар бўйича**

37. Фуқаролар ва солиқ органлари ўртасидаги солиқлар ҳамда бошқа мажбурий тўловлар бўйича ҳар қандай низо фуқаролик ишлари бўйича судлар томонидан ҳал қилинади.

Судлар шуни назарда тутиши лозимки, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодекси 171-моддаси биринчи қисмининг 6-бандига мувофиқ, солиқ органининг фуқаролардан солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича қарздорликни ундириш тўғрисидаги талаб фуқаролик ишлари бўйича судлар томонидан суд буйруғи бериш орқали ҳал қилинади.

Солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаш ҳамда ушбу тўловлар миқдори тўғрисида тарафлар ўртасида низо вужудга келган тақдирда, ушбу масала даъво ишини юритиш тартибида ҳал қилинади.

38. Солиқ органининг фуқаролардан солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни ундириш ёки фуқароларнинг солиқ органидан ортиқча миқдорда тўланган тўловларни қайтариш ёхуд уни қайта ҳисоблаш тўғрисидаги ишларни

ҳал қилишда, судлар фуқароларнинг қарздорлиги ёки тўловларни ортиқча тўланганлиги қайси солиқ туридан келиб чиққанлигини ҳамда унинг миқдори тўғри ҳисобланганлигини текшириши лозим.

39. Судлар фуқаролардан мулкни реализация қилишдан олинган даромадлардан ҳисобланган солиқни ундириш ҳақидаги талабларни кўриб чиқишда, Солиқ кодекси 375-моддасининг 4-бандидан келиб чиқиб, ушбу даромадлар мазкур мол-мулкни реализация қилиш суммасининг ҳужжатлар билан тасдиқланган уни олиш қийматидан ошган қисми сифатида аниқланишига, мазкур қийматни тасдиқловчи ҳужжатлар мавжуд бўлмаган тақдирда, мол-мулкни реализация қилиш қиймати, кўчмас мулк бўйича эса – кадастр қиймати ҳамда реализация қилиш нархи ўртасидаги ижобий фарқ даромад деб эътироф этилишини инobatга олиши керак.

Судларга тушунтирилсинки, реализация қилинган кўчмас мулкнинг кадастр қиймати аниқланмаган (ноль қийматда белгиланган) тақдирда, мазкур солиқнинг миқдори фақат кадастр органи томонидан ушбу кўчмас мулкнинг кадастр қиймати белгилангандан кейингина ҳисобланиши мумкин.

#### **Яқунловчи қоидалар**

40. Судлар солиққа оид низоларни кўриб чиқиш натижаси бўйича қонунчилик бузилган ҳар бир ҳолат бўйича мансабдор шахсларнинг жавобгарлиги масалаларини ҳал этиб, ҳуқуқбузарликни келтириб чиқарган сабаб ва шарт-шароитларни пухта ўрганиб, хусусий ажрим чиқариш йўли билан уларни бартараф этиш чораларини кўриши лозим.

41. Юқори инстанция судлари солиқ муносабатларидан келиб чиқадиган ишлар бўйича биринчи инстанция судлари чиқарган суд қарорларининг қонунийлиги ва асослилигини тегишли тартибда текширилишини таъминлаши, йўл қўйилган қонун бузилишларини ўз вақтида аниқлаши ва бартараф этиши лозим.

42. Қорақалпоғистон Республикаси суди, вилоятлар ва Тошкент шаҳар судлари, Қорақалпоғистон Республикаси маъмурий суди, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маъмурий судлари солиқ қонунчилигини қўллашга доир ишлар бўйича суд амалиётини мунтазам равишда умумлаштириб бориши ва мазкур тоифадаги ишлар кўрилишида суд хатоларининг олдини олиш юзасидан чоралар кўриши лозим.

**Ўзбекистон Республикаси  
Олий суди раиси**

**Б. ИСЛАМОВ**

**Пленум котиби,  
Олий суд судьяси**

**И. АЛИМОВ**



## ПОСТАНОВЛЕНИЕ ПЛЕНУМА ВЕРХОВНОГО СУДА РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

20 февраля 2023 год

№ 4

город Ташкент

### О некоторых вопросах применения судами налогового законодательства

*Итоги изучения судебной практики показывают, что суды, за исключением некоторых ошибок, в основном правильно применяют налоговое законодательство. В целях обеспечения правильного и единообразного применения актов законодательства при рассмотрении судами налоговых споров, на основании статьи 22 Закона Республики Узбекистан «О судах» Пленум Верховного суда*

#### ПОСТАНОВЛЯЕТ:

#### ГЛАВА I. ОБЩИЕ ВОПРОСЫ

1. Обратить внимание судов, что сфера применения налогового законодательства определена статьей 2 Налогового кодекса Республики Узбекистан (далее – Налоговый кодекс).

2. Исходя из того, что Законом Республики Узбекистан № ЗРУ-599 «О внесении изменений и дополнений в Налоговый кодекс Республики Узбекистан» Налоговый кодекс утвержден в новой редакции, обратить внимание судов, что:

сроки действия льгот по налогам и другим обязательным платежам предусмотрены статьей 4 Закона № ЗРУ-599;

новая редакция вступила в силу с 1 января 2020 года, и порядок ее применения указан в статье 6 Закона № ЗРУ-599;

при рассмотрении налоговых споров, связанных с участниками специальных экономических зон, применяются нормы главы 68 Налогового кодекса.

3. При применении установленного статьей 13 Налогового кодекса принципа презумпции правоты налогоплательщика суды должны давать оценку не возникшим

между налоговым органом и налогоплательщиком противоречиям и неясностям при исчислении, взыскании или уплате налогов, а неустрашимым противоречиям и неясностям, содержащимся в конкретных актах законодательства.

4. Судам следует иметь в виду, что в качестве сторон налоговых споров могут участвовать субъекты, указанные в Налоговом кодексе, а также государственные органы и иные лица, предусмотренные в иных актах законодательства.

Также, от имени юридических лиц, находящихся в процессе добровольной ликвидации, в суд вправе обратиться ликвидатор, а от имени лиц, в отношении которых возбуждено дело о неплатежеспособности, судебный управляющий.

5. Согласно части четвертой статьи 88 Налогового кодекса течение срока исковой давности по налоговому обязательству приостанавливается, прерывается и может быть восстановлено в соответствии со статьями 156, 157 и 159 Гражданского кодекса Республики Узбекистан.

6. Принимая во внимание,

что пеня, исчисленная в соответствии со статьей 110 Налогового кодекса и не уплаченная в указанный срок, также признается налоговой задолженностью в соответствии со статьей 55 Налогового кодекса, судам следует иметь в виду, что не допускается освобождение налогоплательщика от начисленной пени или уменьшение размера пени, за исключением случаев, предусмотренных в актах законодательства.

7. Положения международного договора, регулирующего вопросы предотвращения двойного налогообложения и устранения уклонения от уплаты налогов, одной из сторон которого является Республика Узбекистан, применяются к налоговым резидентам одной или обеих стран, заключивших такой договор.

Соответственно, при рассмотрении дел данной категории суды в необходимых случаях должны обращаться в Министерство иностранных дел или Министерство юстиции Республики Узбекистан и принимать меры по установлению наличия или отсутствия международного договора, касающегося рассматриваемого судом спора.

## ГЛАВА II. ПРИМЕНЕНИЕ ПРОЦЕССУАЛЬНОГО ЗАКОНОДАТЕЛЬСТВА

8. По общим правилам подведомственности и подсудности налоговые споры рассматриваются межрайонными, районными (городскими) судами в качестве суда первой инстанции (за исключением дел, подсудных Верховному суду Республики Узбекистан, областным и приравненным к ним судам).

9. Разъяснить судам, что правильное определение вида судебного производства, в котором должна осуществляться защита прав и интересов физических и юридических лиц (исковое производство или производство, вытекающее из административных и иных публично-правовых отношений), связано с содержанием правоотношения, из которого вытекают требования лица, обратившегося за судебной защитой.

10. Обратить внимание судов, что споры по делам о взыскании налоговой задолженности, о возврате из бюджета денежных средств налогоплательщиков по исполнительным или иным документам, по которым взыскание производится в бесспорном (безакцептном) порядке, дела о применении мер правового воздействия подведомственны соответственно экономическим и гражданским судам дела об оспаривании решений налоговых органов, действий (бездействия) их должностных лиц, отказе в регистрации налоговым органом договора о создании консолидированной группы налогоплательщиков подведомственны административным судам, за исключением решений о привлечении налогоплательщика к административной ответственности за совершение

налогового правонарушения.

Заинтересованное лицо может оспорить акты налогового органа нормативного характера в порядке главы 22 Кодекса Республики Узбекистан об административном судопроизводстве (далее – КоАС).

11. Принимая во внимание, что взыскание налоговой задолженности производится налоговым органом непосредственно или в судебном порядке, судам при рассмотрении дел данной категории следует обратить внимание на соблюдение порядка, предусмотренного в главе 15 Налогового кодекса.

12. Обратить внимание судов, что исковое заявление, заявление (жалоба) должны соответствовать требованиям, предусмотренным статьей 189 Гражданского процессуального кодекса Республики Узбекистан, статьями 149, 218 Экономического процессуального кодекса Республики Узбекистан, статьей 128 КоАС, а также требованиям специальных норм Налогового кодекса.

Например, в исковом заявлении, поданном налоговым органом, должны быть указаны вид, период, сумма налога, о взыскании которого заявлено требование, а также обстоятельства, которые по мнению налогового органа подтверждают факты злоупотребления правом, мнимости (притворности) сделки, и другие обстоятельства, на которых основаны требования.

13. При подготовке дела к судебному разбирательству судья должен осуществить действия, предусмотренные соответствующим процессуальным законодательством, в том числе, принять меры обеспечения иска или предварительной защиты по истребованию необходимых доказательств.

14. При решении вопроса о представительстве лиц, участвующих в деле, судам следует иметь в виду, что согласно Закону Республики Узбекистан «О деятельности по налоговому консультированию» в деятельность организации налоговых консультантов по оказанию на договорной основе юридическим и физическим лицам услуг по налоговому консультированию входит также представительство при рассмотрении экономических, гражданских и административных дел, связанных с налоговыми правоотношениями. Такое полномочие подтверждается на основании доверенности, выданной в соответствии с процессуальным законодательством, договора с организацией налоговых консультантов об оказании услуг по налоговому консультированию (выписи из договора) и квалификационного сертификата.

15. В связи с тем, что согласно налоговому законодательству взысканные с налогоплательщиков налоги и сборы направляются в установленном порядке в бюджетную систему (бюджет и государственные целевые фонды), разъяснить судам, что при удовлетворении иска о возврате излишне уплаченных или излишне взысканных налогов в решении должно быть указано, что сумма, подлежащая взысканию, возвращается из бюджетной системы.

В таких случаях судам следует обратить внимание на применение норм, предусмотренных главой 12 Налогового кодекса.

В этой связи при подаче налогоплательщиками исковых заявлений о возврате излишне уплаченных или излишне взысканных налогов судам следует обсуждать вопрос о привлече-

нии Министерства экономики и финансов Республики Узбекистан и (или) его территориального органа к участию в деле в качестве третьего лица, не заявляющего самостоятельных требований относительно предмета спора.

16. На основании статьи 14 Налогового кодекса в целях налогообложения налоговые органы вправе учитывать все сделки и другие экономические отношения, в которые вступает налогоплательщик, исходя из их действительного экономического содержания, независимо от способа их юридического оформления или наименования договора.

В случаях, когда основанием для доначисления налога по итогам налоговой проверки послужил учет действительного экономического содержания сделок, заключенных налогоплательщиком, и налогоплательщик не согласен с этим, налоговый орган должен обратиться в суд по гражданским делам или в экономический суд с требованием о взыскании образовавшейся налоговой задолженности.

В случае, если вышеуказанное несогласие налогоплательщика не было заявлено до завершения стадии рассмотрения материалов проверки, решение налогового органа о доначислении налоговой задолженности может быть оспорено в административном суде.

В связи с тем, что принятое налоговым органом решение об обращении в суд за взысканием налоговой задолженности на основании установленных случаев злоупотребления правом, мнимости (притворности) сделки, не порождает правовых последствий для налогоплательщика, обратить внимание судов, что требования о признании такого решения недействительным не подведомственны суду.

### ГЛАВА III. ОСОБЕННОСТИ РАССМОТРЕНИЯ НАЛОГОВЫХ СПОРОВ СУДАМИ

#### *По налоговым спорам, рассматриваемым в административных судах*

17. Производство по делам об оспаривании решений, действий (бездействия) налоговых органов и их должностных лиц осуществляется в порядке главы 23 КоАС.

18. Не рассмотрение в установленном законом сроки вышестоящим налоговым органом жалобы, поданной на решение налогового органа, принятое по итогам выездной налоговой проверки и налогового аудита, не исключает права налогоплательщика по истечении установленного срока оспорить решение налогового органа в суде.

При этом обратить внимание судов, что налогоплательщик вправе обратиться с заявлением (жалобой) на бездействие должностного лица вышестоящего налогового органа, выразившееся в не рассмотрении жалобы в срок.

19. Разъяснить судам, что основания оставления вышестоящим налоговым органом жалобы полностью или частично без рассмотрения приведены в статье 234 Налогового кодекса.

Налогоплательщик вправе обратиться в суд с жалобой на решение нижестоящего органа, если его жалоба была оставлена без рассмотрения на основании абзаца пятого части первой статьи 234 Налогового кодекса, или жалоба подана на решение налогового органа, которое ранее было обжаловано в установленном порядке, или вышестоящим налоговым органом отказано в восстановлении пропущенного налогоплательщиком срока обжалования.

20. В связи с тем, что согласно части девятой статьи

231 Налогового кодекса обжалование в суде юридическими и физическими лицами актов налоговых органов, действий (бездействия) их должностных лиц производится в порядке, установленном законодательством, такие заявления (жалобы) могут быть поданы в сроки, установленные частью первой статьи 186 КоАС.

Срок подачи заявления (жалобы) исчисляется с момента, когда налогоплательщику стало известно об оспариваемом решении (например, списание с налогоплательщика суммы налога на основании решения налогового органа), даже в том случае, если решение не было надлежащим образом вручено.

В случае, если решение было обжаловано в вышестоящий налоговый орган, течение срока его обжалования в суд начинается со дня принятия решения нижестоящим налоговым органом (за исключением жалоб, оставленных без рассмотрения в порядке статьи 234 Налогового кодекса).

21. В соответствии с частью третьей статьи 186 КоАС суд вправе восстановить пропущенный по уважительной причине срок подачи заявления (жалобы).

При разрешении вопроса о восстановлении пропущенного срока обращения в суд судам следует обратить внимание на то, знал или не знал заявитель об оспариваемом решении либо действию (бездействию), какие меры были приняты заявителем для восстановления своего нарушенного права.

К примеру, чрезвычайные обстоятельства, карантин, тяжелая и длительная болезнь гражданина, неосведомленность лица о решении налогового органа, как обстоятельства, объективно препятствующего обращению в суд, могут быть основанием для признания причин пропус-

ка срока подачи заявления в суд уважительными.

Суду по каждому делу необходимо выяснять, соблюдены или заявителем установленные законом сроки обращения в суд, а при нарушении этих сроков обсуждать доводы заинтересованного лица о причинах их пропуска.

22. Суду следует в установленном порядке привлекать вышестоящий налоговый орган к участию в деле в тех случаях, когда жалоба предусмотренная в части второй статьи 231 Налогового кодекса была рассмотрена вышестоящим налоговым органом, за исключением случая, указанного в части четвертой статьи 235 Налогового кодекса.

23. Обратить внимание судов, что в соответствии со статьей 4 Закона Республики Узбекистан «Об общественном контроле» отношения по установлению, введению и отмене, исчислению и уплате налогов и сборов не являются объектом общественного контроля, а также, исходя из того, что в порядке главы 23 КоАС могут быть оспорены решения (действия, бездействие должностных лиц) налогового органа, носящие индивидуальный характер, судья вправе на основании пункта 3 части первой статьи 134 КоАС вернуть заявление субъекта общественного контроля, поданное в суд на основании вышеуказанного Закона.

24. В рамках административного дела, возбужденного на основании заявления (жалобы), подписанной налогоплательщиком или его представителем, суд по ходатайству заявителя разрешает вопрос о привлечении субъекта общественного контроля к участию в деле в качестве третьего лица, не заявляющего самостоятельных требований относительно предмета спора.

25. Разъяснить судам, что при возникновении обстоятельств,

предусмотренных статьей 79 КоАС, суд может назначить экспертизу.

При определении вида назначаемой экспертизы по налоговым спорам, судам следует исходить из особенностей объекта налогообложения (например, судебная-налоговая, судебная-бухгалтерская и так далее).

Судам следует решать вопрос о взимании платы за проведение экспертизы по административному делу на основании требований статьи 25 Закона Республики Узбекистан «О судебной экспертизе».

Судам следует принимать меры по своевременному предоставлению эксперту необходимых документов в целях недопущения волокиты в рассмотрении дел и затягивания сроков рассмотрения дел.

Заключение эксперта не имеет для суда заранее установленной силы и подлежит оценке в совокупности с другими доказательствами по делу. Несогласие суда с заключением экспертизы должно быть мотивировано в решении суда.

26. При проверке доводов заявления (жалобы) об оспаривании решений, действий (бездействия) налогового органа, административные суды должны проверить следующие обстоятельства, имеющие значение для дела:

принято ли решение о проведении налоговой проверки уполномоченным лицом;

соблюдены ли процедуры проведения налоговых проверок, установленные законодательством;

зарегистрирована ли проверка.

27. Статья 187<sup>8</sup> Уголовно-процессуального кодекса Республики Узбекистан предусматривает направление копии акта о результатах ревизии, назначенной постановлением дознавателя, следователя, прокурора или определением суда, в соответствующий упол-

номоченный орган для принятия законных мер.

На основании статьи 187<sup>10</sup> Уголовно-процессуального кодекса Республики Узбекистан должностные лица или представители проверяемого субъекта вправе обжаловать результаты ревизии путем внесения дознателю, следователю, прокурору или суду ходатайства о назначении дополнительной или повторной ревизии.

Решение уполномоченного органа о принятии законных мер считается административным актом и может быть обжаловано в суд.

В случае признания административного акта недействительным по основаниям нарушения процедуры его принятия, установленной законодательством, решением суда на уполномоченный орган следует возложить обязательство пересмотреть результаты проверки.

Следует обратить внимание на необходимость приостановления производства по административному делу на основании пункта 1 статьи 99 КоАС в случае невозможности (в случаях предъявления возражений на расчеты, указанные в оспариваемом решении) его рассмотрения до принятия решения по уголовному делу, по которому проводятся следственные действия, или которое рассматривается судом по уголовным делам.

28. При рассмотрении судами дел об оспаривании решений налоговых органов о взыскании не подлежащих зачету сумм налога, необходимо обратить внимание на наличие доказательств, подтверждающих основания, предусмотренные статьей 267 Налогового кодекса (например, при покупке налогоплательщиком легковых автомобилей, мотоциклов, вертолетов, моторных лодок, самолетов, а также иных видов моторных средств

и топлива для них, для установления связи этих товаров с осуществляемым видом деятельности юридического лица проверяется наличие лицензий на осуществление деятельности, приказа о прикреплении водителя (пилота) для управления транспортным средством, страхового полиса лица, управляющего транспортным средством, документов об эксплуатации транспортного средства, либо наличие акцизной марки при покупке алкогольных и табачных изделий и т.д.).

29. При рассмотрении споров, связанных с сокрытием (занижением) налоговой базы, следует обращать внимание на наличие или отсутствие в действиях налогоплательщика признаков налоговых правонарушений, предусмотренных статьей 223 Налогового кодекса.

Под неправильным исчислением налога (сбора) понимаются ошибки в исчислении суммы налога (например, неправильное применение налоговых ставок при исчислении суммы налога).

Не могут быть оценены как неправильное исчисление налогов (сборов) действия, содержащие признаки правонарушений, предусмотренных статьями 223, 226 и 227 Налогового кодекса.

30. Разъяснить судам, что если в ходе налоговой проверки возникла необходимость проведения инвентаризации, руководитель (заместитель руководителя) налогового органа должен издать приказ о проведении инвентаризации, содержание которого должно соответствовать правилам, установленным параграфом 11 главы 5 и параграфом 7 главы 6 «Положения о порядке организации и проведения налоговых проверок», утвержденного постановлением Кабинета Министров Республики Узбекистан от 7 января 2021 года № 1.

31. При рассмотрении споров, связанных с соответствием фактического количества работников налогоплательщика с количеством работников, указанным в налоговой отчетности, судам следует обращать внимание на наличие протокола и его соответствие приложению № 11 к «Положению о порядке организации и проведения налоговых проверок», утвержденному постановлением Кабинета Министров Республики Узбекистан от 7 января 2021 года № 1, а также на наличие письменных объяснительных работников, не указанных в налоговых отчетах, или других доказательств о периоде их трудовой деятельности и о полученных ими доходах (зарплате).

32. В случаях признания решения налогового органа недействительным, действий (бездействия) должностного лица незаконным, судам в соответствии с частью пятой статьи 189 КоАС следует обсудить вопрос о возложении обязанности на соответствующий налоговый орган или должностное лицо пересмотреть материалы налоговой проверки либо совершить предусмотренные законом действия для устранения нарушений прав и законных интересов лица.

Например, при нарушении существенных условий процедуры рассмотрения материалов налоговой проверки (не обеспечение возможности налогоплательщику лично или через представителя участвовать в процессе рассмотрения материалов налоговой проверки лично и (или) через своего представителя не обеспечение возможности налогоплательщику представить объяснения рассмотрению материалов налоговой проверки неуполномоченным лицом и других) необходимо возложить на налоговый орган обязанность повторно рассмотреть материалы налоговой проверки.

33. Обратит внимание судов, что резолютивная часть судебного решения, принятого по налоговому спору, должна содержать подробные сведения о решении налогового органа, признанного недействительным, в том числе, его наименование, дату, номер, пункт решения, а также в чём конкретно выражено действие (бездействие) должностного лица.

#### **По налоговым спорам, рассматриваемым в экономических судах**

34. Разъяснить судам, что поскольку применение финансовой санкции относится к компетенции налогового органа, при обращении налогового органа в суд с заявлением о применении финансовой санкции по делам о налоговых правонарушениях, предусмотренных Налоговым кодексом, такое заявление подлежит отказу в принятии к производству на основании пункта 1 части первой статьи 154 Экономического процессуального кодекса Республики Узбекистан, а если заявление принято к производству, производство по делу подлежит прекращению на основании пункта 1 части первой статьи 110 Экономического процессуального кодекса Республики Узбекистан.

При обращении налогового органа с заявлением о приостановлении операций по банковским счетам налогоплательщика (налогового агента) судам следует исследовать наличие оснований для приостановления операций по банковским счетам налогоплательщика (налогового агента), указанных в части третьей статьи 111 Налогового кодекса, и наличие решения руководителя (заместителя руководителя) налогового органа о приостановлении операций по банковским счетам налогоплательщика (налогового агента)

на срок не более десяти дней.

35. В случае обращения налогового органа с заявлением о применении финансовой санкции или о приостановлении операций по банковским счетам к юридическому лицу либо индивидуальному предпринимателю, признанному неплатежеспособным на основании решения суда, и в отношении которого осуществляется ликвидационное производство, заявление должно быть рассмотрено судом по существу, поскольку эти требования не рассматриваются в рамках дела о неплатежеспособности.

Однако заявление налогового органа о приостановлении операций по банковским счетам юридического лица либо индивидуального предпринимателя, признанного неплатежеспособным решением суда, и в отношении которого осуществляется ликвидационное производство, подлежит отказу в удовлетворении, поскольку в соответствии со статьей 148 Закона Республики Узбекистан «О неплатежеспособности» ликвидационным управляющим закрываются все счета должника и открывается единый счет.

36. В пункте 3 части первой статьи 269 Налогового кодекса предусмотрено признание счета-фактуры, выставленной поставщиком, недействительной в порядке, установленном законодательством, однако это не означает, что спор о признании счетов-фактур недействительными подведомственен суду.

***По налоговым спорам,  
рассматриваемым судами  
по гражданским делам***

37. Любой спор между гражданами и налоговыми органами по налогам и другим обязательным платежам рассматривается судами по гражданским делам.

Суды должны иметь в виду, что в соответствии с пунктом 6 части первой статьи 171 Гражданского процессуального кодекса Республики Узбекистан требование налоговых органов о взыскании с граждан налогов и других обязательных платежей разрешается судами по гражданским делам путем выдачи судебного приказа.

В случае возникновения между сторонами спора по выплате и размерам налогов и других обязательных платежей данный вопрос разрешается в порядке искового производства.

38. При разрешении требований налогового органа о взыскании с граждан налогов и других обязательных платежей или требований граждан о возврате излишне уплаченных платежей либо их перерасчете судам следует проверять, по какому виду налога возникла задолженность или излишняя уплата, а также правильность рассчитанной суммы.

39. При рассмотрении требований о взыскании с граждан начисленного налога на доходы от реализации имущества судам следует учитывать, что в соответствии с пунктом 4 статьи 375 Налогового кодекса эти доходы определяются как превышение суммы реализации имущества над стоимостью его приобретения, подтвержденной документально при отсутствии документального подтверждения указанной стоимости доходом признается стоимость реализованного имущества, а по недвижимому имуществу – положительная разница между ценой реализации и кадастровой стоимостью.

Разъяснить судам, что в случае, если кадастровая стоимость реализованного недвижимого имущества не определена (установлена нулевая стоимость), размер данного налога может быть определен только после установления органом кадастра кадастровой стоимости этого недвижимого имущества.

***Заключительные  
положения***

40. По итогам рассмотрения налоговых споров судам следует решать вопрос об ответственности должностных лиц по каждому случаю нарушения законодательства, тщательно изучать причины и обстоятельства, повлекшие правонарушение, и принимать меры для устранения допущенных правонарушений путем вынесения частных определений.

41. Суды вышестоящей инстанции должны в установленном порядке обеспечить проверку законности и обоснованности решений судов первой инстанции по делам, вытекающим из налоговых правоотношений, принимать меры по своевременному выявлению и устранению допущенных правонарушений.

42. Суд Республики Каракалпакстан, областные и Ташкентский городской суд, Административный суд Республики Каракалпакстан, административные суды областей и города Ташкента должны регулярно обобщать судебную практику по применению налогового законодательства и принимать меры по недопущению судебных ошибок при рассмотрении дел данной категории.

**Председатель Верховного суда  
Республики Узбекистан**

**Б. ИСЛАМОВ**

**Секретарь Пленума,  
судья Верховного суда**

**И. АЛИМОВ**



## ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI OLIY SUDI PLENUMINING QARORI

2023 йил 20 февраль

№ 5

Тошкент шаҳри

### Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг фуқаролик ишлари бўйича айрим қарорларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида

*Қонунчиликка ўзгартиш ва қўшимчалар киритилганлиги муносабати билан, шунингдек, моддий ва процессуал ҳуқуқ нормаларини бир хилда қўллашни таъминлаш мақсадидан “Судлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 22-моддасига асосан, Олий суд Пленуми*

#### ҚАРОР ҚИЛАДИ:

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг фуқаролик ишлари бўйича қуйидаги қарорларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин:

**1. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг “Юридик аҳамиятга эга бўлган фактларни аниқлаш ҳақидаги ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида” 1991 йил 20 декабрдаги 5-сонли қарори:**

Ўзбекча матндан **2-банди иккинчи хатбошисининг бешинчи кичик хатбошисидаги** “фактларини тасдиқлаши мумкин” деган сўзлар чиқариб ташлансин;

**2-бандининг иккинчи хатбошиси** қуйидаги мазмундаги олтинчи кичик хатбоши билан тўлдирилсин:

“чет давлат фуқаролигида бўлмаган шахснинг Ўзбекистон Республикасида доимий яшаш жойи бўйича рўйхатга олинганлигини тасдиқловчи ҳужжатлари мавжуд бўлмаган ҳолларда Ўзбекистон Республикасида доимий яшаганлиги фактини тасдиқлаши мумкин”;

**18-банди:**

қуйидаги мазмундаги **учинчи хатбоши** билан тўлдирилсин:

“Қонунчиликда белгиланган тартибда қурилиш мақсадлари учун ажратилмаган ер участкаларида, шунингдек иморат қуриш учун зарур рухсатнома олмасдан ёки архитектура ва қурилиш нормалари ҳамда қоидаларини жиддий бузган ҳолда қурилган уй-жой, бошқа бино, иншоотга нисбатан хусусий мулк ҳуқуқи асосида эгалик қилиш факти аниқланмайди”;

**учинчи ва тўртинчи хатбошилари** тегишинча **тўртинчи ва бешинчи хатбошилар** деб ҳисоблансин.

**2. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг “Судлар томонидан мулкни рўйхат (арест)дан чиқариш ҳақидаги ишларни кўришда қонунчиликнинг қўлланиши тўғрисида” 1993 йил 16 апрелдаги 13-сонли қарори 1-бандининг тўртинчи хатбошисидаги** “энг кам ойлик иш ҳақининг икки баравари” деган сўзлар “базавий ҳисоблаш миқдорининг икки баравари” деган сўзлар билан алмаштирилсин.

**3. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг “Хусусийлаштирилган турар жойларга эгалик қилиш, улардан фойдаланиш ва уларни тасарруф қилиш билан боғлиқ ишлар бўйича суд амалиёти ҳақида” 1997 йил 2 майдаги 3-сонли қарори 6-бандининг учинчи хатбошиси** қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

“Судларга тушунтирилсинки, фуқаро эгаллаб турган турар жойни хусусийлаштириш рад қилиниши устидан шикоят маъмурий судлар судловига тааллуқли”.

**4. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг “Маънавий зарарни қоплаш ҳақидаги қонунларни қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида” 2000 йил 28 апрелдаги 7-сонли қарори:**

**3-бандининг учинчи хатбошиси** “ушлаб туриш” деган сўзлардан кейин “шунингдек ҳар қандай қийноққа солиш ва бошқа шафқатсиз, ғайринсоний ёки қадр-қимматни камситувчи муомала ҳамда жазо турларини қўллаш” деган сўзлар билан тўлдирилсин;

**9-бандининг учинчи хатбошиси** қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

“Реабилитация этилганнинг маънавий зиёни ундиришга бўлган ҳуқуқи оқлов ҳукми чиқарилган-

нидан ёки жиноят иши тугатилганидан кейин вужудга келишини назарда тутиш лозим (ЖПК 302, 303, 306, 309 ва 310-моддалари). Реабилитация этилганга етказилган маънавий зиёни ундириш ҳақидаги даъво фуқаролик иши юритиш тартибидан кўрилади (ФК 1021-моддаси).

**5. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг “Уй-жой низолари бўйича суд амалиёти ҳақида” 2001 йил 14 сентябрдаги 22-сонли қарори:**

**7-бандининг иккинчи хатбошисидаги** “асос бўлади” деган сўзлар “асос бўлиши мумкин” деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**24-бандининг иккинчи хатбошиси** қуйидаги тахрирда баён қилинсин:

“Судларнинг эътибори шунга қаратилсинки, давлат уй-жой фондига тегишли турар жой давлат ёки жамоат эҳтиёжлари учун ер участкаси ажратилиши муносабати билан бузилган тақдирда, шу уй-жойлардан кўчириладиган фуқароларга Ўзбекистон Республикаси Уй-жой кодекси 71-моддасининг тўртинчи-олтинчи қисмларида назарда тутилган талабларга жавоб берадиган бошқа обод турар жой берилди”.

**6. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг “Якка тартибда қурилган уйга бўлган мулк ҳуқуқи билан боғлиқ низолар бўйича суд амалиёти тўғрисида” 2004 йил 24 сентябрдаги 14-сонли қарори:**

**2-бандининг “в” кичик банди** қуйидаги тахрирда баён қилинсин:

“в) уйнинг ва ёрдамчи иморатларнинг устига, ёнига қўшимча иморатлар қуриш ёки уларни қайта қуриш тўғрисидаги, башарти бунга умумий улушли мулкнинг бошқа иштирокчилари эътироз билдирган бўлса”;

**3-бандининг биринчи хатбошиси** қуйидаги тахрирда баён қилинсин:

“Қонунчиликда белгиланган тартибда ажратиб берилган ер участкасида ўзбошимчалик билан қурилган иморатга нисбатан мулк ҳуқуқини эътироф этиш тўғрисидаги, шу жумладан, ана шундай уйга нисбатан олди-сотди, ҳадя, айирбошлаш, мерос олиш, шунингдек уйни бўлиш билан боғлиқ даъволар, ўзбошимчалик билан иморат қурган шахс ёки бошқа манфаатдор шахс томонидан тақдим қилинганидан қатъи назар, судларга тааллуқли эмас, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси 212-моддасининг тўртинчи қисмида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно”;

**5-бандининг иккинчи хатбошиси** қуйидаги тахрирда баён қилинсин:

“Қурилиши тугалланмаган бино ва иншоотлар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 29 декабрдаги 1060-сонли қарори 1-иловасининг 35, 36-бандларига (Кўчмас мулк

объектларига бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш тартиби тўғрисидаги Низом) асосан давлат рўйхатидан ўтказилмаган бўлса, бошқа шахсга бегоналаштирилиши мумкин эмас”;

**6-бандидан** “Айрим ҳолларда, судлар ишнинг барча ҳолатларини инобатга олиб, мазкур шахсларнинг уйнинг бир қисмига нисбатан мулк ҳуқуқини эътироф этиши мумкин. Бунда тарафларнинг ўзаро ҳақиқий муносабатлари синчковлик билан текширилиши, уй қурилишида уйнинг бир қисмига нисбатан мулк ҳуқуқи бор деб эътироф этилишига даъвогарлик қилаётган шахсларнинг иштирокида амалга оширилганлиги сабаблари, тарафлар ўртасида уйга нисбатан умумий мулкнинг вужудга келиши тўғрисида келишув бўлган-бўлмаганлиги аниқланиши зарур” деган сўзлар чиқариб ташлансин;

**8-банди** чиқариб ташлансин;

**18-бандидаги** “ҳокимиятнинг рухсати” деган сўзлар “органлар рухсатномаси” деган сўзлар билан алмаштирилсин.

**7. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг “Фуқаролик ишлари бўйича экспертиза тайинлаш, ўтказиш ва эксперт хулосасига баҳо беришда суд амалиётида келиб чиқадиган айрим масалалар ҳақида” 2008 йил 12 декабрдаги 24-сонли қарори:**

**23-банди** қуйидаги тахрирда баён қилинсин:

“23. Тарафлар узрсиз сабабларга кўра тадқиқот предметини экспертга топширишдан ёки экспертиза ўтказишда шахсан иштирок этишдан бош тортган ҳолатларда судлар Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг “Судлар томонидан фуқаролик ишлари бўйича далиллар ва исботлашга оид қонун нормаларини қўллаш амалиёти тўғрисида” 2020 йил 19 декабрдаги 35-сонли қарорининг 18-бандидаги тушунтиришга асосланишлари лозим”.

**8. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг “Фуқаролик ишлари бўйича суд харажатларини ундириш амалиёти тўғрисида” 2009 йил 24 ноябрдаги 14-сонли қарори:**

**10-банди:**

**биринчи хатбошиси** қуйидаги тахрирда баён қилинсин:

“Судга давлат божи тўланмаган ариза келиб тушганда, судья аризачи қонун билан давлат божини тўлашдан озод қилинган-қилинмаганлигини текшириши шарт. Бунда шуни назарда тутиш лозимки, “Давлат божи тўғрисида”ги Қонунда назарда тутилган фуқаролик ишлари бўйича давлат божидан озод қилинган жисмоний ва юридик шахслар рўйхати қатъий ҳисобланади”;

қуйидаги мазмундаги **иккинчи хатбоши** билан тўлдирилсин:

“Бунда “Давлат божи тўғрисида”ги Қонуннинг

7-моддасига кўра, 2020 йил 1 январга қадар қабул қилинган бошқа қонунчилик ҳужжатларида назарда тутилган ва ушбу Қонунда назарда тутилмаган давлат божини тўлашдан озод қилиш ушбу ҳужжатларнинг амал қилиш муддати тугагунига қадар кучда қолиши инобатга олиниши лозим”;

**иккинчи ва учинчи хатбошилари** тегишинча **учинчи ва тўртинчи хатбошилар** деб ҳисоблансин.

**9. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг “Вакилликка доир фуқаролик процессуал қонунчилиги нормаларининг судлар томонидан қўлланилиши тўғрисида” 2010 йил 14 майдаги 5-сонли қарори 15-бандининг биринчи хатбошисидан** “ва ишга суд мажлисида ишонч билдирувчининг аризасига биноан киришган шахс ҳам” деган сўзлар чиқариб ташлансин.

**10. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг “Судлар томонидан никоҳдан ажратишга оид ишлар бўйича қонунчиликни қўллаш амалиёти тўғрисида” 2011 йил 20 июлдаги 6-сонли қарори:**

**7-бандининг биринчи хатбошисидаги** “ФПК 241-моддасида” деган сўзлар “ФПК 34-моддасида” деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**10-бандининг иккинчи хатбошисидаги** “давлат божи” деган сўзлардан кейин “ва почта харажатлари” деган сўзлар билан тўлдирилсин;

**12-бандининг учинчи хатбошисидаги** “(ФПК 195-моддаси)” деган сўзлар “(ФПК 196-моддаси)” деган сўзлар билан алмаштирилсин.

**13-бандидаги** “уйга киритиш” деган сўзлардан кейин “, болалар тарбияси билан боғлиқ низолар” деган сўзлар билан тўлдирилсин;

**15-бандининг тўртинчи хатбошисидаги** “Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитасининг тегишли туман бўлимларига” деган сўзлар “тегишли фуқаролар йиғинининг яраштириш комиссиясига” деган сўзлар билан алмаштирилсин.

**11. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг “Судлар томонидан оталикни белгилашга оид ишларни кўришда қонунчиликнинг қўлланилиши тўғрисида” 2011 йил 25 ноябрдаги 8-сонли қарори:**

**2-банди:**

қуйидаги мазмундаги **иккинчи хатбоши** билан тўлдирилсин:

“Фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органи томонидан оталикни белгилаш рад этилганда, ўз оталигини тан олган шахс томонидан маъмурий судга шикоят берилиши мумкин”;

**иккинчи хатбошиси** тегишинча **учинчи хатбоши** деб ҳисоблансин.

**12. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг “Судлар томонидан фарзандликка олиш ҳақидаги ишлар бўйича қонунчи-**

**ликни қўллаш амалиёти тўғрисида” 2013 йил 11 декабрдаги 21-сонли қарори:**

**2-бандининг иккинчи хатбошисидаги** “тегишинча Қорақалпоғистон Республикаси фуқаролик ишлари бўйича судига, фуқаролик ишлари бўйича вилоятлар ёки Тошкент шаҳар суди” деган сўзлар “тегишинча Қорақалпоғистон Республикаси суди, вилоятлар ёки Тошкент шаҳар судлари” деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**13-бандининг иккинчи хатбошиси** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

“Суд аризани ҳал этишда Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 152-моддасида назарда тутилган фарзандликка олишни истисно қилувчи ҳолатлар бор-йўқлигини аниқлаши шарт. Суд, жумладан, шуни инобатга олиши лозимки, қуйидаги шахслар фарзандликка олувчи бўлишлари мумкин эмас:

ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилинган ёки ота-оналик ҳуқуқи чекланганлар;

қонун билан белгиланган тартибда муомалага лаёқатсиз

ёки муомала лаёқати чекланган деб топилганлар;

асаб касалликлари ёки наркология муассасаларида рўйхатда турувчилар;

Оила кодекси 169-моддасининг биринчи қисмида кўрсатилган асослар бўйича фарзандликка олганлиги бекор қилинган собиқ фарзандликка олувчилар;

ҳаётга, соғлиққа қарши жиноятлар, ҳаёт ёки соғлиқ учун хавфли бўлган жиноятлар, жинсий эркинликка, оилага, ёшларга ва ахлоққа қарши, шахснинг озодлигига, шаъни ва қадр-қиммати-га қарши (бундан тухмат, ҳақорат қилиш мустасно), фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларига қарши (бундан жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисидаги қонунчиликни бузиш, муаллифлик ёки ихтирочилик ҳуқуқларини бузиш мустасно), тинчликка ва инсониятнинг хавфсизлигига қарши, Ўзбекистон Республикасига қарши жиноятлар, ўзганинг мол-мулкни талон-торож қилиш билан боғлиқ бўлган жиноятлар, жиноий йўл билан топилган мол-мулкни олиш ёки ўтказиш, тижоратда пора эвазига оғдириб олиш ёхуд нодавлат тижорат ташкилотининг ёки бошқа нодавлат ташкилотининг хизматчисини пора эвазига оғдириб олиш, бошқарув тартибига, шунингдек одил судловга қарши жиноятлар, қийноққа солиш ва бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки қадр-қимматни камситувчи муомала ҳамда жазо турларини қўллаш, жамоат хавфсизлигига қарши жиноятлар (бундан учувчисиз учадиган аппаратларни қонунга хилоф равишда олиб кириш, ўтказиш, олиш, сақлаш ёки улардан фойдаланиш, карантинли ва инсон учун хавфли бўлган бошқа юқумли касалликлар тарқалиши ҳақида ҳақиқатга тўғри кел-

майдиган маълумотларни тарқатиш, учувчисиз учадиган аппаратларни сақлаш ва улардан фойдаланиш тартибини бузиш, тадқиқот фаолиятини амалга оширишда хавфсизлик қоидаларини бузиш, меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларини бузиш, санитарияга оид қонунчиликни ёки эпидемияларга қарши кураш қоидаларини бузиш, тоғ-кон, қурилиш ёки портлатиш ишлари хавфсизлиги қоидаларини бузиш, ёнғин хавфсизлиги қоидаларини бузиш (мустасно), гиёҳвандлик воситаларининг ёки психотроп моддаларнинг қонунга хилоф муомаласидан иборат жиноятлар, жамоат тартибига қарши жиноятлар ва ҳарбий мансабдорлик жиноятлари содир этганлик учун илгари ҳукм қилинганлар;

Оила кодекси 169-моддаси биринчи қисмининг олтинчи хатбошисида кўрсатилган жиноятлар жумласига кирмайдиган оғир ва ўта оғир жиноятларни содир этганлик учун илгари ҳукм қилинганлар;

Оила кодекси 169-моддаси биринчи қисмининг олтинчи ва еттинчи хатбошиларида кўрсатилган жиноятларни содир этганлик учун ўзига нисбатан жиноят иши айблилик тўғрисидаги масала ҳал қилинмай туриб тугатилганлар;

фарзандликка олишга монелик қиладиган касалликларга чалинганлар”.

**17-бандининг иккинчи хатбошисидаги** “Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 17 ноябрдаги 307-сонли қарори билан тасдиқланган “Апостиль қўйиш тартиби тўғрисида”ги Низомга” деган сўзлар “Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 3 декабрдаги 732-сонли қарори билан тасдиқланган Расмий ҳужжатларга апостиль қўйиш бўйича давлат хизмати кўрсатишнинг Маъмурий Регламентига” деган сўзлар билан алмаштирилсин.

**13. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг “Шахсни ғайриихтиёрий тартибда психиатрия стационарига ҳамда сил касаллигига қарши кураш муассасасининг ихтисослаштирилган бўлимига ётқизиш ёки унинг ушбу муассасаларда ётиш муддатини узайтириш билан боғлиқ фуқаролик ишлари бўйича суд амалиёти ҳақида” 2015 йил 18 сентябрдаги 14-сонли қарори:**

**кириш қисмидан биринчи – бешинчи хатбошилари** чиқариб ташлансин;

**2-бандидаги** “27, 29-моддаларига” деган сўзлар “30, 31-моддаларига” деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**6-бандининг бешинчи ва олтинчи хатбошилари** қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

“Бунда, Қонуннинг 10-моддасига мувофиқ, шахс психиатрия ёрдами кўрсатилаётганда ўз ҳуқуқларини ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш учун ўз хоҳишига кўра вакилни таклиф этишга

ҳақли. Вакилликни расмийлаштириш қонунчиликда белгиланган тартибда амалга оширилади.

Суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилган шахсга психиатрия ёрдами кўрсатишда унинг ҳуқуқларини ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишни васий, вояга етмаган шахснинг ҳуқуқларини ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишни эса ота-онасидан бири ёки бошқа қонуний вакили амалга оширади”.

**14. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг “Суднинг ҳал қилув қарори ҳақида” 2019 йил 24 майдаги 12-сонли қарори 20-бандининг биринчи хатбошисидаги** “қонунга кўра (ФПК 260-моддаси)” деган сўзлар “қонун мазмунига кўра” деган сўзлар билан алмаштирилсин.

**15. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг “Фуқаролик ишлари бўйича биринчи инстанция судининг ажримлари тўғрисида” 2019 йил 25 октябрдаги 19-сонли қарори:**

**3-бандининг биринчи хатбошиси** қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

“Суд алоҳида процессуал ҳужжат сифатида: аризани иш юритишга қабул қилиш ва иш кўзга-тиш тўғрисида;

аризани иш юритишга қабул қилишни рад этиш тўғрисида;

аризани қайтариш тўғрисида;

ишни суд муҳокамасига тайёрлаш тўғрисида;

ишни суд муҳокамасига тайинлаш тўғрисида;

бир турдаги ишларни бирлаштириш ва бир нечта талабларни алоҳида иш юритишга ажратиш тўғрисида;

ишни ёпиқ суд мажлисида кўриш тўғрисида;

